

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Ўзбекистон Миллий  
университетининг  
85 йиллик юбилейига  
бағишланади

Бўриева М.Р., Юлдашева М.А.

## ДЕМОГРАФИК МУАММОЛАР

ўқув қўлланма

Тошкент — 2003

60.7

Мазкур ўқув қўлланма Демография фани дастури асосида тайёрланган бўлиб, унда демографик вазият ва уни ифодаловчи жараёнлар, дунёнинг демографик вазияти ва башорати, аҳоли кўпайиши билан боғлиқ оламшумул муаммолар, ҳамда ҳозирги замон демографик муаммолари хақида сўз юритилади.

Қўлланма университетлар, педогогик ва иқтисодий олий ўқув юртлари талабалари, магистрлар, аспирантлар, илмий ҳодимлар ва аҳолишунос мутахассисларга мўлжалланган.

Муаллифлар: Иқтисод фанлари номзоди, доц. Бўриева М.Р.  
катта ўқитувчи Юлдашева М.А.

Тақризчилар: Иқтисод фанлари доктори Алиқориев Н.С.  
география фанлари номзоди Тожиева З.Н.

1031460  
0

## Кириш

Сайёрамизнинг демографик тарихига назар ташланса, аҳолининг энг тез суръат билан кўпайиб борган даври ХХ асрга тўғри келар экан. Аср бошида, яъни 1900 йил курраи замин аҳолиси 1,6 млрд. кишини ташкил этган эди. Аср охирида яъни, 1999 йили бу кўрсаткич 6 млрдга етди. Ёки ХХ асрнинг ўзида дунё аҳолиси деряли 4 баробарга ошди. Бундай ҳолатни, аҳолишунослар, буюк демографик инқилоб деб, атадилар. Илмий манбаларда, ер юзида аҳолининг кўпайиб бориши (ўсиш суръати, бир мунча секинлашсада) ХХI асрнинг ўрталарига қадар давом этиши ва унинг сони 10 миллиарддан ошиши ҳақида маълумотлар мавжуд. Аҳолининг бундай тез суръат билан ўсиши, ер шаридаги табиий ресурсларнинг чекланганлиги шароитида қатор глобал муаммоларни келтириб чиқаради. Лекин ер юзининг барча ҳудудларида, давлатларда аҳолининг кўпайиб бориши ўзига ҳос ҳусусиятларга эгадир. Бу ҳолат ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий – иқтисодий ривожланиши таъсирида шакланган демографик вазиятга боғлиқдир.

Аҳоли ўсиши бўйича биринчи ўринда Осиё мамлакатлари туради ва улар дунё аҳолиси ўсишининг  $2/3$  қисмини ташкил этади. Дунё аҳолисида Осиё мамлакатлари аҳолисининг салмоғи 1950 – 2000 йилларда 56 фоиздан 61 фоизга ўсди. Африка мамлакатлари эса аҳоли ўсиши бўйича, иккинчи ўринда туради. Дунё аҳолисининг кўпайиб боришида Африка аҳолисининг салмоғи 13 фоизни ташкил этмоқда. Америка, Австралия ва Океания мамлакатлари аҳолиси ўсиши бўйича дунёда ўртача мавқени эгаллайди. Бу жараён бўйича Европа ҳудуди охириги ўриндадир.

Ҳар бир ҳудуддаги демографик вазият, демографик жараёнлар (туғилиш, ўлим, никоҳ ва ажралиш) ҳусусиятларига боғлиқдир. Демографик жараёнлар эса ўз навбатида жуда кўп ижтимоий – иқтисодий омиллар таъсирида содир бўлади. Қайси бир ҳудудда демографик жараёнлар керакли мезонда, яъни нормал даражада бўлса, ижтимоий – иқтисодий муҳитни ҳисобга олган ҳолда фаолият кўрсатса ижтимоий – иқтисодий ва демографик муаммолар келиб чиқмайди.

Туғилишни юқори, ўлимни паст даражада бўлиши аҳоли сонининг тез суръат билан кўпайиб боришига олиб келади. Бундай ҳолда, тез суръат билан кўпайиб бораётган аҳолини озиқ – овқат, кийим – кечак, турар – жой, иш ўринлари билан таъминлаш каби иқтисодий муаммолар юзага келади. Ана шу

муаммолар ижобий ҳал этилмаган ҳолатда эса "аҳоли ортиқчилиги" каби демографик муаммо содир бўлади.

Туғилиш ва ўлимнинг камайиши аҳоли ўртача умр кўриш муддатининг узайиб бориши эса аҳоли сонининг камайиб кетишига, аҳоли таркибида қариялар (65 ёш ва ундан катта) салмоғининг ошиб, болалар салмоғининг камайишига олиб келади. Бундай ҳолни демографияда "аҳолининг қариши" деб аталади. Қайси бир ҳудуд ёки давлат аҳолиси қариб борса, шу жойда ишлаб чиқарувчи ишчи кучи билан таъминлаш, миллатни камайиб бориши каби инсоният тақдири учун таҳликали демографик муаммолар юзага келади.

Мазкур қўлланмада демографик вазият ва уни ифодаловчи асосий жараёнлар дунё ва унинг алоҳида ҳудудларидаги демографик вазият ва муаммолар ёритилади.

Қўлланмани ёзишда аҳоли табиий ўсишига доир илмий манбалар, демографик кўрсаткичлар, БМТ ва бошқа нуфузли ташкилотларнинг маълумотларидан фойдаланилди.

## МАНВУ-1: Демографик вазият ва унинг ифодаланиши РЕЖА:

1. Демографик вазият
2. Аҳолининг сони ва таркиби.
3. Аҳолининг жойлашуви.
4. Демографик жараёнлар

Демографик вазият маълум даврдаги демографик аҳвол бўлиб, у аҳолининг сони таркиби ва жойлашувида, демографик жараёнлар ҳолатида ифодаланади. Демографик вазият дунё бўйича, алоҳида давлатлар ва ҳудудлар доирасида ўрганилади. Ҳозирги даврдаги демографик вазият ўтмишдаги ижтимоий – иқтисодий ва демографик ҳолатнинг натижаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам демографик вазият жуда мураккаб жараёндир. Унинг шаклланиши қатор ижтимоий – иқтисодий ва демографик омилларнинг ўзаро боғлиқ ҳолда фаолият кўрсатуви натижасида содир бўлади.

Демографик вазият биринчи навбатда аҳолининг сони ва таркибида ифодаланади.

Аҳоли сони – маълум ҳудуд ёки аҳоли гуруҳидаги кишиларнинг миқдорий ифодасидир. Демографияда аҳоли сони, энг умумий ва асосий кўрсаткич бўлиб, аниқ бир даврдаги аҳоли миқдорини аниқлатади. Статистик манбаларда аҳоли сони маълум бир числога (1 – январ, 1 июл ёки 31 декабр) келтирилади. Масалан, Ўзбекистон аҳолиси 1991 йил 1 январда 20708,2 мингни, 2002 йил 1 январда эса – 25210,8<sup>1</sup> мингни ташкил этди. Бу кўрсаткичларни бутун йил учун қабул қилиб бўлмайдди, чунки йил давомида, яъни 1 январдан 31 декабрга қадар аҳоли сони туғилиш ва ўлим ҳисобига мунтазам ўзгариб туради.

Ҳар бир ҳудуд аҳоли сонини ўрганганда, уни доимий (шу ҳудудда доимий рўйхатта олинган) ва мавжуд реал (текширилаётган даврда шу ҳудудда маълум муддат яшаётган) аҳолига ажратилади. Мавжуд аҳоли сони доимий аҳоли сонидан ҳаминча юқори бўлади. Масалан, Ўзбекистонда 1 январ 2002 йилда мавжуд аҳоли сони 25210,8 мингни<sup>2</sup>, доимий аҳоли сони эса 25115,8 мингни<sup>3</sup> ташкил этган.

Демографик тадқиқотлар олиб боришда назарий аҳоли сони, ҳамда мавжуд, реал аҳоли сонидан фойдаланилади. Назарий аҳоли сони ўзгармас – стабил, аҳоли сонидир. Стабил аҳоли сони логинча *stabilis* сўзидан олинган бўлиб, доимий,

<sup>1</sup> Населения республик Узбекистан 2001 Ташкент 2002 стр. 26.

<sup>2</sup> Қайд этилган манба.

<sup>3</sup> Здравоохранение в Узбекистане 2001. Ташкент 2002 стр. 10.

ўзгармас, деган маънони билдиради. Аҳоли такрор барпо бўлишининг махсус коэффициентларини ҳисоблаганда стабил аҳоли сонидан фойдаланилади, турли демографик моделларни тузганда назарий аҳолидан фойдаланилади, яъни, ўрганилаётган давр аҳоли сонини ўзгармас деб қабул қилинади.

Мавжуд аҳоли сони маълум бир маъмурий ҳудуднинг, давлатнинг ўрганилаётган даврдаги мавжуд аҳоли сонидир. Масалан, Ўзбекистон давлатининг аҳоли сони, Фарғона водийсининг аҳоли сони ва х.к.

Аҳоли сони ҳақидаги аниқ маълумотлар аҳоли рўйхати ўтказиш йўли билан тўланади. Аҳоли рўйхатлари орасидаги давр учун, эса ҳар йилги туғилиш, ўлим ва миграция жараёнларини эътиборга олган ҳолда, аҳоли сони махсус услублар ёрдамида ҳисобланади.

Аҳоли сонининг жуда юқори суръат билан кўпайиб бориши, ёки камайиб кетиши демографик вазиятни кескин ўзгаришига, қатор ижтимоий – иқтисодий ва демографик муаммоларга олиб келади.

Демографик вазиятни ўрганишда аҳолининг ёш – жинсий, никоҳ ва оилавий таркиби муҳим омил ҳисобланади.

Аҳолининг жинсий таркиби – никоҳга кириш ва аҳолининг оилавий таркибининг шаклланишида асосий демографик заминдир. Демографияда жинслар муносабатини аниқлашда икки хил кўрсаткич қўлланилади. 1. Жами аҳоли таркибида жинслар салмоғи фоиз ҳисобида. Масалан, 2002 йил Ўзбекистонда жами аҳоли 25210,8 минг кишини ташкил этади. Улардан эркаклар 12521,1 ва аёллар 12594,7. Ушбу кўрсаткичлар асосида жами аҳоли таркибида эркаклар 49,7 фоизни, аёллар эса 50,3 фоизни ташкил этишини аниқлаш мумкин.

Аҳоли жинсий таркибини ўрганишда аниқ кўрсаткич ҳар 1000та эркакларга нисбатан аёллар сони, ёки ҳар 1000 та аёлларга нисбатан эркаклар сони ифодасидир. Ушбу кўрсаткич орқали маълум ҳудуд жами аҳолисининг ва аҳоли ёш гуруҳлари (0–9,10–19,20–29...) жинсий таркиби ўрганилади. Мисол тариқасида, юқорида келтирилган маълумотлардан фойдаланиб, эркаклар сонини аёллар сонига бўламиз ва натижани 1000 га кўпайтирилади. 2002 йилда Ўзбекистонда ҳар 1000 та аёлга 994 эркак тўғри келар экан. Ана шундай услуб билан алоҳида ёш гуруҳлари учун ҳам аёллар ва эркаклар нисбати аниқланади.

Аҳоли ёш таркиби уч асосий омил таъсирида шаклланади; 1) Янги туғилганлардаги жинсий нисбат; 2) Улимдаги жинсий фарқ; 3) Аҳоли миграциясидаги жинсий фарқ.

Аҳолининг ёш таркиби — ижтимоий — иқтисодий ва демографик жараёнларни ўрганиш мақсадида аҳолининг ёш гуруҳларга бўлинишидир. Аҳоли ёш гуруҳлари ва демографик жараёнлар ўзаро узвий боғлиқ ҳолда шаклланади. Аҳоли таркибида ёшлар (16 — 19, 20 — 29 ёшида) салмоғининг юқорилиги никоҳ ва туғилиш каби демографик жараёнларга ижобий таъсир этади. Айти пайтда туғилиш юқори бўлган ҳудудларда болалар, ёшлар салмоғи юқори бўлади. Туғилиш даражаси паст бўлган ҳолларда эса аҳоли таркибида қариялар (60 ёш ва ундан юқори) салмоғи юқори ва ўлим ҳоллари кўпроқ содир бўлади. Демографик нуқтаи назардан ёндашганда аҳолининг бугунги ёш таркиби кечаги аҳоли такрор барпо бўлишининг натижаси ва келажақдаги демографик ривожланишнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Аҳоли ёш таркибини ўрганганда аҳолининг алоҳида ҳар бир ёшларга (0,1,2,3,4,5 . . . 100 ва ундан юқори) беш йиллик ёш гуруҳларига (10 — 14, 15 — 19. . .) ва уч йирик — йирик гуруҳларига (болалар (0 — 14 ёш) меҳнат ёшидаги аҳоли (15 — 64 ёш) ва қариялар 65 ва ундан юқори ёшга) ажратилади.<sup>4</sup>

Аҳоли ёш таркиби демографияда асосий ўрганиш объекти сифатида ўз келиб чиқиш ва ривожланишига эга. Ушбу ривожланишни қуйидаги йўналишларга ажратиш мумкин: а) алоҳида ёш гуруҳлари ва уларни нисбатларини статистик таҳлили; б) аҳоли ёш таркибининг шаклланиш қонуниятлари ва уларнинг демографик ривожланишнинг омили сифатидаги ўрни; в) аҳоли ёш таркиби ва ижтимоий иқтисодий жараёнларни ўзаро боғлиқлиги.

Аҳоли сонининг ўсиб боришида унинг ёш таркиби асосий омил ҳисобланади. XX асрнинг ўрталарида иқтисодий ривожланган давлатларда аҳоли такрор барпо бўлиши туғилиш даражасининг нисбатан пастлиги ва аҳоли умумий таркибида болалар салмоғининг камлиги билан характерланади. Ривожланаётган давлатларда эса ана шу даврда нисбатан юқори туғилиш ва аҳоли таркибида болалар салмоғининг юқорилиги характерли эди. Туғилиш юқори ва уни назорат этиш даражаси паст бўлган шароитда аҳолининг ёш таркиби, аҳоли сони ўсиб боришига бевосита таъсир этади.

XX асрнинг бошларида швед олими Г.Сундберг томонидан аҳоли ёш таркибининг уч тури ажратилган: 1) Прогрессив ёш

<sup>4</sup> Баъзи давлатларда аҳолининг уч йирик гуруҳга ажратишда қариялар 60 ёшдан ҳисобланади. Ўзбекистонда эса болалар гуруҳи 0 — 15 ёш, меҳнат ёшидагилар гуруҳига 16 — 54 ёш аёллар, 16 — 59 ёш эркеклар, қариялар гуруҳига эса 55 ва ундан юқори аёллар, 60 ва ундан юқори ёшдаги эркеклар қиради.

таркиби – аҳоли таркибида болалар (0–14 ёш) салмоғи юқори бўлади ва аҳоли ўсишига олиб келади.

2) Стационар ёш таркиби – аҳоли таркибида болалар ва қариялар (65 ёш ва ундан юқори) салмоғи деярли тенг бўлади, бундай ёш таркиби аҳоли ўсишида асосий омил бўла олмайди.

3) Регрессив ёш таркиби – аҳоли умумий сониди қариялар салмоғи болаларга нисбатан юқори бўлади, аҳоли такрор барпо бўлиши қисқариб аҳолининг қариш жараёни рўй беради.<sup>5</sup>

Аҳолининг никоҳда туриш таркиби – аҳолининг жинсий ва ёш гуруҳларини никоҳда туриш ҳолати бўйича тақсимланиши. Никоҳда туриши асосан ёш гуруҳлари бўйича ўрганилганлиги учун ҳам кўп адабиётларда аҳолининг “никоҳ – ёш таркиби” ҳам дейилади. Аҳолининг никоҳ ҳолати бўйича асосий манба аҳоли рўйхати маълумотлари ҳисобланади. Аҳоли рўйхати ўтказилаётганда аҳоли никоҳда турувчилар ва никоҳда турмайдиганлар гуруҳига ажратиб рўйхатга олинади. Никоҳда турмайдиганлар гуруҳига бўйдоқлар, бевалар ва ажралганлар киради.

Аҳолининг никоҳда туриши аҳоли такрор барпо бўлиши ва оилалар шаклланишида асосий демографик омил сифатида аҳамиятлидир.

Аҳолининг оилавий ҳолати ва таркиби демографик жараёнларга бевосита таъсир кўрсатади.

Маълумки, жамиятда инсонлар оила мухитида оила аъзоси бўлиб, турли гуруҳларда гуруҳ аъзоси бўлиб ёки ўзлари алоҳида ёлғиз ҳолда яшайдилар. Аҳолининг бундай гуруҳларга бўлиниб яшаши унинг оилавий ҳолатини билдиради.

Аҳолининг оилавий ҳолати ҳақидаги маълумотлар аҳоли рўйхати ўтказиш йўли билан тўланади. Ўзбекистон статистикасида аҳоли оилавий ҳолати бўйича уч гуруҳга ажратилган ва аҳоли рўйхати дастурига киритилган.

1. Оила билан бирга оила аъзоси бўлиб яшовчилар.
2. Оиладан алоҳида, лекин оила билан мунтазам алоқани сақлаб қолган ҳолда яшовчилар.
3. Ёлғиз яшовчилар.

Ўзбекистонда аҳолининг оилавий ҳолатига оид тўлароқ статистик маълумотлар 1939 йилда ўтказилган аҳоли рўйхатлари маълумотларидан бошлаб мавжуддир. Ушбу маълумотлар кўрсатишича 1939 йилда Ўзбекистон аҳолисининг 93,3 фоизи оила аъзоси бўлиб, оила билан бирга 6,7 фоизи эса оиладан алоҳида яшаганлар. Агар бу кўрсаткичлар 1989 йил ўтказилган

<sup>5</sup> Демографический энциклопедический словарь. М., 1985., С.67.



аҳоли рўйхати маълумотлари билан солиштирилса республика аҳолисининг оилавий ҳолатида катта ижобий ўзгаришлар бўлгани маълум бўлади. Чунки 1939–1989 йилларда аҳолининг оила аъзоси бўлиб, оила муҳитида яшовчи қисми 2 фоизга кўпайди ва жами аҳолининг 95,3 фоизини ташкил этди. Ёлғиз яшовчилар эса, деярли икки марта камайди.

Аҳолининг оилавий таркиби деганда оила аъзоси бўлиб яшовчи аҳолининг оила турлари бўйича тақсимланиши тушунилади<sup>1</sup>. Аҳолининг оилавий таркибини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар аҳолининг оила катталиклари, яъни оилада яшовчи кишилар миқдорига қараб ва оиланинг ижтимоий гуруҳлари бўйича тақсимланишидир.

Аҳолининг ижтимоий таркиби – аҳолининг турли этник гуруҳларига, миллатларга ва ижтимоий фаолиятларига қараб тақсимланишидир. Демографияда аҳолининг ижтимоий таркиби демографик жараёнларга таъсир этувчи омил сифатида ўрганилади.

Демографик вазият аҳолининг жойлашуви орқали ҳам ифодаланади. Аҳолининг жойлашуви маълум даврда аҳолининг макон бўйлаб тақсимланиши жараёни, ҳамда аҳоли манзилгоҳларининг шаклланиши натижасидир. Аҳолининг жойлашуви мураккаб, ижтимоий–иқтисодий жараён бўлиб, жамият ҳаётининг жуда кўп қирраларини акс эттиради. Айни пайтда мазкур жараён қатор омиллар таъсирида содир бўлади. Аҳоли жойлашувига таъсир этувчи омилларни 3 йirik гуруҳга ажратиш мумкин.

Ижтимоий – иқтисодий омиллар. Ишлаб чиқариш муносабатларининг характери, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси ва ўтган йиллар мобайнида уларнинг жойлашиши, шунингдек аҳолининг даромади даражасининг ҳудудий фарқлари, транспорт билан таъминлаш ва бошқалар.

Табиий омиллар: иқлим, ер юзаси, тупроқ, табиий бойликлар. Ишлаб чиқариш кучларининг тараққиёт даражаси юқори бўлган сари, табиий омилларнинг тўғридан – тўғри таъсири камайди. Бироқ улар аҳолининг жойлашувида катта ўрин эгаллаши давом этмоқда.

Демографик омилларга биринчи навбатда аҳолининг табиий тақдор барпо бўлиши жараёнлари тезлигидаги фарқлари, ҳамда миграцион жараёнларнинг (ҳудудий) фарқлари киради. Аҳолининг жойлашиши тараққиёти ҳақида тўлиқ тасаввурга эга

<sup>1</sup> Демографиянинг эндрологизм ва демография. М 1985, 194–195 бетлар

бўлиш учун барча асосий омиллarning биргаликда ўзоро боғлиқ ҳолда кўриб чиқиш лозим.

Ишлаб чиқариш кучларининг тараққий этиши, иқтисодий тизимининг ўзгариши, техника тараққийети ва аҳоли эҳтиёжлари тизимидаги ўзгаришлар натижасида ишлаб чиқарувчи кучларнинг йирик шаҳарлар ва маълум районларда йиғилиш жараёни кучаяди.

Аҳолининг такрор барпо этиш жараёнидаги ҳудудий фарқалар, аҳолининг жойлашиш суръатини ўзгартиради. Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари аҳолисининг салмоғи тез ўсиб бормоқда. Бу ерда, ер юзи аҳолисининг 3F4 дан ортиқроқ қисми жойлашган. Бир вақтнинг ўзида Шимолий Америка, Европа, МДҲ мамлакатлари аҳолининг салмоғи камайиб бормоқда. Бу ҳол қайд этилган ҳудудлардаги аҳоли такрор барпо бўлиши ҳусусиятлари билан боғлиқдир.

Юқорида қайд этилганидек, техникани, саноатни, ишлаб — чиқариш воситаларини ривожланиши, ишлаб чиқариш кучларининг мукаммаллашуви ва инсоннинг ижтимоий — иқтисодий эҳтиёжларини ўзгариб бориши, урбанизация жараёни — нинг жадаллашувига сабаб бўлади. Урбанизация жараёнининг кучайиб бориши эса, аҳоли такрор барпо бўлиши характерини ўзгаришига олиб келади, аҳоли миграцияси ҳусусиятларига таъсир кўрсатади. Натижада демографик вазият маълум даражада ўзгаради.

Демографик вазиятни ифодалашда демографик жараёнлар алоҳида аҳамията эгадир. Демографик жараёнлар — инсонларнинг ҳаётида уларнинг авлодларини алмашуви билан боғлиқ бўлган воқеаларнинг кечишидир. Асосий — демографик жараёнларга туғилиш, ўлим, никоҳ ва ажралиш (никоҳнинг бекор этилиши, ёки тугатилиши) киради.

Демографик жараёнлар ўз моҳиятига кўра икки ҳил ҳусусиятта эгадирлар. Биринчиси туғилиш ва никоҳ бўлиб, бу жараёнлар авлодлар алмашинувида, инсон наслини давом этишида, аҳоли сонини кўпайиб боришини таъминловчи — ижобий ҳусусиятта эга бўлган тўлдарувчи омиллardир. Ўлим ва ажралиш эса аксинча, аҳоли сонини қисқаришига олиб келувчи, авлодлар алмашинувида салбий таъсир этувчи — камайтирувчи омиллар ҳисобланади.

Савол ва тошириқлар:

1. Демографик вазият ва уни ифодаловчи жараёнларни ёритинг.
2. Ўзбекистон аҳолиси сони ва таркибини ўрганиб, ҳусусиятларини очиб беринг.

3. Ўзбекистонда аҳолининг оилавий ҳолати ва таркибини таҳлил этинг.

### Мавзу – II Дунёнинг демографик вазияти

**Режа:**

1. Дунё аҳолиси сонининг динамикаси ва жойлашуви
2. Аҳолининг ёш – жинсий, таркиби.
3. Туғилиш, ўлим ва табиий ўсиш.

#### Дунё аҳолисининг динамикаси ва жойлашуви

БМТ маълумотларига қараганда 2001 йили дунё аҳолисининг сони 6 миллиарддан ошди – 6,137 миллионни ташкил этди.<sup>6</sup> Лекин мутахассилар ХХI аср бошларида дунё аҳолисининг сони ҳозирги мавжуд миқдоридан бир мунча юқорироқ бўлишини башорат этган эдилар. БМТ ҳисобларига қараганда 1990 – 1995 йилларда ер шари аҳолиси йилига ўртача 1,57 фоиздан кўпайиб бориши лозим эди. Аслида бу кўрсаткич 1,48 фоизни ташкил этди. Дарҳақиқат, аҳоли сонининг кўпайиб, ёки камайиб бориши ижтимоий – иқтисодий шарт шароитларга, демографик омилларга, инсон ҳаётидаги кутилмаган тасодиний воқеаларга боғлиқдир.

Илмий манбаъларда қайд этилишича, планетамизда инсон пайдо бўлганига тахминан бир миллион йилдан ошган. Лекин ер куррасида яшаган аҳоли сони ҳақида аниқ ва тўлиқ маълумотлар тўплаш тарихан анча кеч бошланган. Аҳоли сони ҳақидаги энг дастлабки маълумотлар эраимиздан олдинги даврга таълуқли бўлиб, бу даврда ер куррасида бор йўғи бир неча юз минг киши яшаган, ҳолос. Археолог ва демограф олимларнинг ҳисобларича, дунё аҳолиси сони бутун инсоният тарихи давомида доимо кўпайиб келган. Бироқ аҳолининг ўсиши суръати, жамият тарақиётининг ҳамма босқичларида ҳам бир тарзда бўлмаган. Баъзи тарихий даврларда очарчилик, табиий офатлар, турли касалликларнинг тарқалиши, урушлар натижасида аҳоли қирилиб кетган ва сони қисқарган. Масалан, бутун дунёда 8 – 14 асрда эпидемиядан 15 миллион аҳоли ўлган; 19 асрда очарчиликдан 25 миллион аҳоли ҳаётдан кўз юмган; биринчи жаҳон урушида 20

<sup>6</sup> Населения и общество, информационный бюллетень РАН. М., 2001, №56.

миллион, иккинчи жаҳон уришида эса 40 миллиондан кўп аҳоли ҳаётдан кўз юмган..

Шуни айтиш керакки, ҳар бир давр аҳолисининг кўпайиши ва ривожланиши шу даврнинг ишлаб чиқариш усули ва муносабатларига, турмуш даражасига, яшаш шароитларига бевосита боғлиқ бўлган.

Ибтидоий жамоа даврида, яъни бундан чамаси 15 минг йил илгари аҳолининг яшаш шароити жуда оғир эди Инсонлар горларда истиқомат қилишган. Тоғ – тошлардаги табиий горлар одамлар учун яккаю – ягона бошпана вазифасини ўтаган. Энг муҳими қорин тўйғазиш, бир жойда тунаш бўлган. Улар овчилик билан кун кўришган, табиий офатларга қарши кураша олмаганлар. Муҳитнинг табиий таъсирига онгли чоралар қўллай билмаслик сабабли аҳоли ўртасида ўлим ҳам юқори бўлган. Одамлар очликдан, турли касаликлардан, табиий офатлардан ва қабилалар ўртасида бўлиб турган урушлардан кўп нобуд бўлишган. Болалар ўлими жуда юқори, аҳолининг, ўртача умр кўриши эса қисқа бўлган. Манбаларда ёзилишича, ибтидоий жамоа даврида кишиларнинг ўртача умр кўриши 20 – 25 ёшни ташкил қилган, ҳолос. Ибтидоий давр одамлари ҳозирги давр кишиларига нисбатан 3 – 3,5 марта кам яшаганлар. Шундай бўлса – да, аҳоли сони секинлик билан кўпайиб борган. Аҳоли кўпайишининг сабаби туғилишнинг физиологик имконият даражасида бўлганлигидир. Бу даврда туғилиш жуда юқори бўлиб, ҳар 1000 аҳолига 45 – 50 кишини ташкил этган. Ҳозир эса бу кўрсаткич ўртача 23 – 25 кишини ташкил этмоқда. Демак, бир томондан инсоннинг табиий муҳит олдида ожизлиги, ўзаро низолари, унинг сон жиҳатдан камайишига олиб келса, иккинчи томондан, туғилишнинг юқори бўлганлиги аҳоли сонини ўсиб боришини таъминлаган. Бироқ, ўлим, айниқса, болалар ўлими, юқори бўлганлиги сабабли юқори туғилиш аҳолининг юқори табиий ўсишини тўла таъминлай олмаган.

Ибтидоий жамоа даврида аҳоли секин ўсишининг яна бир муҳим сабаби – аёллар аҳволининг оғирлигидир. Улар эркаклар билан бир қаторда ов қилишда қатнашганлар. Турмуш шароитининг оғирлигидан, табиий хизматни йўқлигидан аёллар ўртасида ўлим жуда юқори бўлган. Айниқса, аёллар бола кўриш даврида кўп ҳалок бўлганлар. Бу даврда аёлларнинг аксарият қисми бола кўриш даврини тўла яшамаганлар.

Ибтидоий жамоа даврида Жанубий Осиё, Европанинг жанубий қисмларида, Африка қитъасида аҳоли нисбатан зич яшаган. Евросиё материгининг шимолий районларида, Австралия ва Америка қитъаларида одамлар жуда сийрак жойлашганлар.

Уларнинг умумий сони, тахминан, 100—200 минг кишини ташкил этган, ҳолос.

Инсоннинг яшаш учун кураши бориб—бориб, жамият тараққиётида прогрессив ўзгаришларга олиб келди. Ишлаб чиқариш кучлари ривожлана бориб, кишилар дастлаб чорвачилик, кейинроқ эса деҳқончилик билан шуғулланишга ўтдилар, очликка, касалликларга қарши кураш бошладилар. Энди улар меҳнат қилиб, моддий маҳсулотлар яратардилар. Ҳунармандчилик, савдо ривожланди ва шаҳарлар пайдо бўла бошлади. Инсон ҳаётидаги бу ижобий ўзгаришлар уларнинг ҳаёт шароитини яхшилади. Бу эса дунё аҳолисининг кўпайиш суръатини тезлаштирди.

Ишлаб чиқариш кучларининг янада такомиллашуви аҳоли ўртасида синфлар ва давлат пайдо бўлишига олиб келди. Жамият аста—секин ибтидоий тузумдан қуддорлик даври (синфли жамиятга) ўтди. Жамиятнинг ижтимоий иқтисодий ва маданий ҳаёти ривожлана бошлади. Дунёнинг аҳоли зичроқ жойлашган қисмларида (Миср, Сурия, Бобил) маданият марказлари вужудга кела бошлади. Жамият тараққиётидаги бу ўзгаришлар аҳолининг кўпайишини тезлаштирди. Синфий жамиятда аҳолининг ўсиш суръати ибтидоий тузум даврига нисбатан анча тезлашди. Бунинг асосий сабаби туғилишининг юқорилигидир. Туғилишнинг юқорилиги эса аёлларнинг эрта никоҳга кириши, туғилишнинг чекланмаганлиги, ҳамда кўпболаликни жамият, давлат ва дин томонидан қувватланиши билан боғлиқ эди. Лекин қуддорлик тузуми даврида ҳам аҳоли ўртасида ўлим анча юқори бўлган. Сабаби—кўпгина қишлоқ ва шаҳарларда аҳолининг жуда зич жойлашуви ва гигиена—санитария шароитларнинг йўқлиги туфайли юқумли касалликларнинг кенг тарқалганлигидир.

Эрамининг бошида ер шари аҳолисининг сони 200—250 млн. киши атрофида эди. Аҳолининг асосий қисми Рим империясида, Хитойда ва Ҳиндистонда жойлашган. Ушбу соҳага таълуқли адабиётларда кўрсатилишича, сайёрамиз аҳолиси 300 млн. атрофида бўлган ва унинг асосий қисми Осиёда яшаган.

Агар дастлабки 500 йилда (1000—1500 йиллар) ер юзи аҳолиси 135 миллионга кўпайган бўлса, 1500—1750 йилларда ёки 250 йилда эса бу кўрсаткич 288 миллионни ташкил қилди, яъни аҳолининг ўсиши 2 марта тезлашди. XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб аҳолининг ўсиши янада тезлашди.

Дунё аҳолисининг ўсиши  
(млн киши ҳисобида).

Сана (йиллар)	Дунё аҳолиси	Сана	Дунё аҳолиси
Эрамиздан оддинги 400 йил	153	1900	1634
0	252	1910	1755
Эрамизнинг 400 йили	205	1920	1811
800	224	1930	2070
1000	305	1940	2295
1200	400	1950	2527
1500	440	1960	3060
1600	578	1970	3727
1700	680	1980	4430
1750	728	1993	5510
1800	954	2000	6000
1850	1248	2025	8039

Жадвал Н.В.Алисов, Б.С.Хорев. Экологическая и социальная географии мира (М., 2000 г с – 92); Демографический энциклопедический словарь (М., 1985 г с 72). Народонаселения мира 1998 г. фонд ООН в области народонаселения, маълумотлари асосида тузилган

Дунё аҳолисининг 1000 йилдан 2000 йилгача бўлган ўсишига назар ташласак, аҳоли энг тез кўпайган давр XX асрдир. Агар ер шарни аҳолисининг 1 миллиардга етиши учун салкам 850 йил керак бўлган бўлса, 2 миллиардга етиши учун эса 85 йил; 3 миллиардга етиши учун 25 йил, 4 миллиардга утиши учун – 15 йил; 5 миллиардга ўтиши учун – 20 йил ва 6 миллиардга ўтиши учун – 15 йил вақт керак бўлди (жадвал).

Дунё аҳолисининг энг тез суръат билан ўсган даври 1960 – 1985–1990 йиллар бўлиб, шу даврда ер юзи аҳолиси йилига ўртача 2 фоиздан кўпайди. 1980 йиллардан бошлаб аҳолининг ўсиш сураъти бир оз пасайди; хозирда аҳолининг ўртача йиллик ўсиши 1,4 фоизни ташкил этмоқда. Бу ҳол, кейинги 20–30 йиллар давомида қатор ривожланаётган давлатларда туғилишини назорат этиш жараёнини кенг тарқалганлиги билан боғлиқдир.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, дунё аҳолиси эрамизнинг дастлабки йилларидан бошлаб, мунтзам кўпайиб келган. Лекин аҳолининг энг тез суръат билан кўпайган даври юқорида қайд этилганидек XX асрга тўғри келмоқда.

Ҳозирги даврда (1990 – 2002 йиллар) дунё аҳолиси ҳар йили ўртача ўсиши 80 миллиондан ортиқ кишини ташкил этмоқда. Ҳар бир секундда дунё бўйича 21 нафар инсон дунёга келади ва 18 нафар инсон ҳаётдан кўз юмади. Демак, сайёрамиз аҳолиси ҳар

секундада 3 та кишига кўпаймоқда. Лекин аҳоли сонининг кўпайиб бориши дунёнинг барча ҳудудларида ҳам бир хил суръатда эмас. Аҳоли ўсиши бўйича биринчи ўринда Осиё, Иккинчи ўринда Африка мамлакатлари, учинчи ўринда Америка ва Океания, ҳамда охириги ўринда Европа давлатлари туради. Баъзи Европа давлатларида аҳоли сонини камайиб бориш жараёни ҳам бошланган. Бунинг сабаби биринчи навбатда ҳар бир давлатнинг демографик ҳусусиятларига боғлиқдир.

### **Аҳолининг жойлашуви**

Жамият тараққиётининг бугунги босқичда ер шарида инсон яшаш учун яроқли бўлган барча ерлар аҳоли маконларига, манзилгоҳларига айлангандир. Лекин, аҳоли мазкур маконлар бўйлаб жуда нотекис жойлашган. Ер куррасида аҳоли ниҳоятда зич яшовчи (1 км<sup>2</sup> га 1000 кишидан ортиқ) ҳудудлар билан бирга аҳоли жуда сийрак (аҳоли жойлашган манзилгоҳлар жами ҳудуднинг тахминан 15 фоизини ташкил этади) жойлашган ҳудудлар ҳам мавжуддир.

Аҳоли мунтазам истиқомат этиб келаётган ҳудудларга асосан ер шарининг 72<sup>0</sup> шимолий 54<sup>0</sup> жанубий кенгликлари орасидаги ерлар киради. Инсон манзилгоҳлари вертикал зоналар, яъни баландликлар бўйлаб ҳам ўзига ҳос қонуниятлар асосида жойлашгандир. Бундай жолашув ер еюзасида денгиз сатҳидан 5000 м гача бўлган баландликларда ҳам кузатилади (Тибет ва Анд тоғларида 5000 м баландликдан ҳам юқорида аҳоли манзилгоҳлари учрайди). Шунингдек, ер куррасида аҳоли яшамайдиган ҳудудлар ҳам мавжуд бўлиб, улрга 78<sup>0</sup> шимолий кенгликдан юқоридаги, ҳамда 54<sup>0</sup> жанубий кенгликдан пастда, қуйидаги ерларни, 5000 м дан юқорида жойлашган баланд тоғли ҳудудларни, шимолий Африка, Марказий ва Жанубий – Ғарбий Осиёдаги улкан чўллارни киритиш мумкин.

Аҳоли жойлашувида асосий омиллар – табиий омиллардир. Жуда қадимдан бошлаб аҳоли текисликларда, дарё воҳаларида, паст текисликларда, 500 м гача бўлаган баландликларда жойлашган. Бундай ерлар ер куррасидаги қуруқликнинг 28 фоизини ташкил этади. Лекин бу ерларда дунё аҳолиснинг 45 қисми жойлашагандир.

Ер шари бўйлаб аҳолининг жойлашувига океанларнинг, улардаги оқимларнинг ҳам таъсири кузатилади. Масалан Гольфстрим илиқ оқими Ғарбий Европа ва Шимолий Америка соҳилларига бевосита таъсир этади. Ана шу соҳиллар ер юзиде аҳолининг зич жойлашаган ҳудудлари ҳисобланади. Аксинча, Канар совуқ оқимининг Шимолий Африка чўлларига таъсири, бу ерларда демографик бўшлиқни юзага келтирган. Ана шундай

ҳолни Бенгуэль совуқ оқими таъсирида Жанубий Африканинг ғарбий соҳилларида, Лабрадор совуқ оқими таъсирида эса Канаданинг шимолий ҳудудларида ҳам кузатиш мумкин.

Дунё бўйича аҳоли энг зич жойлашган ва қадимдан инсон маданияти ва маконлари маркази бўлиб келган ҳудудларга Жанубий, Жанубий Шарқий ва Шарқий Осиёдаги йирик дарёлар воҳалари, Африканинг Нил дарёси водийси, Европа ва Шимолий Африкадаги саноат ривожланган давлатлар киради. Бу ҳудудлар сайёрамиздаги жами қуруқликни 7 фоизини ташкил этади ва уларда ер куррасининг 70 фоиздан кўп аҳолиси истиқомат этади. Дунё аҳолиснинг зичлиги аҳоли кўпайиб бориши туфайли ортиб бормоқда. 1900 йилда дунё аҳолиснинг ўртача зичлиги 1 км<sup>2</sup> га 12 кишини, 1950 йили – 18, 1983 йили – 34 ва 2001 йили – 45,7 кишини ташкил этган.

XXI аср бошида ер куррасида аҳолиси энг зич жойлашган ҳудуд Осиё ҳисобланади.

2 – жадвал

**Дунё ҳудудларида аҳоли зичлиги  
(2001 йил)\***

Ҳудудлар	Майдони (минг кв км)	Аҳоли сони (миллион киши)	Аҳоли зичлиги (1 кв км га киши)
Дунё бўйича	134287	6137	45,7
Африка	30333	818	27,0
Америка	40570	841	20,7
Осиё	31796	3720	117,0
Европа	23015	727	31,6
Океания	8573	31	3,6

\*Жадвал Население и общество. Информационный бюллетень. РАН, М., 2001, №56 маълумотлари асосида ҳисобланган.

Осиёда 1983 йил маълумотлари бўйича 1 км<sup>2</sup> га тўри келадиган аҳоли сони ўртача – 98 кишини ташкил этган эди. Собиқ СССРнинг Осиё қисми киритилмаган). Ҳозирги даврда яъни – 2001 йили Осиёнинг барча ҳудудида аҳоли зичлиги ошиб бориб, 117,0 кишини ташкил этмоқда. Бу ҳол албатта Осиё аҳолисининг кўпайиб бориши билан изоҳланади. Ана шундай аҳволни Африка, Америка ва Океанияда ҳам кузатиш мумкин. Европада эса аксинча аҳоли зичлиги, кейинги йилларда камайган. 1983 йили Европада (Собиқ СССРнинг Европа қисмини ҳисобга олмаган ҳолда) аҳоли зичлиги 1 кв км га 99 кишини ташкил этган эди. 2001 йили Европада бу кўрсаткич (Собиқ



СССРнинг Европа қисми билан бирга) 31,6 кишини ташкил этмоқда.<sup>7</sup>

Дунё давлатлари таркибида аҳоли зичлиги бўйича биринчи ўринда Хитой, Макао давлати туради. Бу давлатда 2001 йил 1 кв. км га 21875 та киши тўғри келган. Иккинчи ўринда эса Бангладеш давлати туради. Бангладешда қайд этилган даврда аҳоли зичлиги 1 кв. км га 926 кишини ташкил этган. Бу кўрсаткич Полестинда – 526; Жанубиё Кореяда – 491; Ливанда – 412; Нидерландияда – 392; Белгияда – 326; Ҳиндистонда – 314; Исроилда – 305; Филипинда – 257; Буюк Британияда – 245; Вьетнамда – 237; Грецияда – 230; Италияда – 192; Покитсонда – 182; Нигерияда – 137; Хитойда – 133; Индонезияда – 108; Францияда – 107; Туркияда – 85; Испанияда – 79; Египтда – 70 ва Тунисда – 59 кишини ташкил этган. Юқоридан номлари қайд этилган давлатлар дунёдаги аҳолиси энг зич жойлашган ҳудудлар бўлиб уларда аҳоли зичлиги дунё бўйича аҳолининг ўртача зичлигидан бир неча баробар юқоридир. Шунингдек ер шарида аҳоли сийрак жойлашган давлатлар ҳам мавжуддир. Бундай давлатларга АҚШ, Бразилия, Россия, Канада, Австралия ва Монголия давлатларини киритиш мумкин. Ушбу давлатларда 2001 йил аҳоли зичлиги 1 кв км га мос равишда 30; 20; 8; 3; 3; ва 2 кишини ташкил этган.<sup>8</sup> Дунё демографик вазиятидаги ўзгаришлардан бири аҳоли таркибида шаҳар аҳолиси салмоғининг ошиб боришидир. Бу ҳол эса урбанизация даражасининг мунтазам ошиб боришига бевосита боғлиқ. XX асрнинг бошларида дунё аҳолисининг фақат 10 фоизигина шаҳарларда яшаганлар. 1940 йил дунё бўйича шаҳар аҳолисининг салмоғи 25, 1950 – 29, 1960 – 34, 1970 – 37,4; 1980 – 41,1; 1990 – 43 ва 1995 – 45 фоизни ташкил этган.<sup>9</sup>

Шаҳар аҳолиси салмоғининг ошиб бориши саноат, фан ва техниканинг ривожланиб бориши натижасида янги шаҳарларнинг пайдо бўлиши, шаҳарларга томон аҳолининг кўчи келиши ҳолларининг кучайиши билан болиқдир. Айниқса иқтисодий ривожланган давлатларда шаҳар аҳолисининг салмоғи юқоридир. Масалан, 1996 йили жами аҳоли таркибида шаҳар аҳолиси Францияда – 74,3; Германияда – 78,3; Норвегияда – 75; Швейцарияда – 60; АҚШда – 77,5; Японияда – 77,4 ва Исроилда – 90 фоизни ташкил этган. Бу кўрсаткич Хитойда эса – 26,2,

<sup>7</sup> Демографический – энциклопедический словарь М., 1985, стр. 275; Население и общество, М. 2001, №56

<sup>8</sup> Население и общество. Информационный бюллетень РАН М., 2001 №56.

<sup>9</sup> Н.В. Алисов, Б.С. Хореев Экономическая и социальная география мира. М., 2000, с. 178.

Ҳиндистонда — 25,7 фоизга тенгдир.<sup>10</sup> 1800—2000 йилларда дунёда йирик шаҳарлар салмоғи ортиб борди. Айниқса аҳолиси 1 миллиондан ортиқ "миллионер" шаҳарлар сони кўпайди. Бундай шаҳарлар сайёрамизда 1800 йили фақат битта эди, 2000 йили уларнинг сони 300 дан ошди.

Урбанизация жараёнининг кучайиши яъни шаҳар турмуш тарзининг кенгайиб бориши демографик жараёнларга бевосита таъсир этади. Шаҳарда оилаларнинг кўп фарзандларга бўлган эҳтиёжи турли оилалар таъсирида қисқаради ва уларнинг репродуктив майли (оилада фарзандлар сонига бўлган муносабати) аксарият ҳолатда ошади. Кам болали бўлишни тақозо этади. Натижада шаҳарларда туғилиш даражаси камайиб боради.

### **Аҳолининг ёш, ва жинсий таркиби**

Аҳолининг жинсий таркиби Демографик вазиятни шаклланишида аҳолининг жинсий таркиби муҳим омидир. Айниқса репродуктив ёшда (15—49) жинслар тенглиги яъни мутаносиблиги оила қуриш ва фарзандлар кўриш (никоҳ ва туғилиш) жараёнларига қулай вазият яратади. Лекин ҳар доим ҳам эркаклар ва аёллар нисбати тенг бўлавермайди. Статистик маълумотлар ва илмий манбаларда қайд этилишича дунё бўйича қиз болаларга нисбатан ўғил болалар кўпроқ туғилар экан. Маълумотлар кўрсатишича дунёда ҳар 100 та қиз болага туғилган ўғил болалар сони 104—107 ни ташкил этади. Ўғил болалар салмоғининг қиз болаларга нисбатан юқорилиги 15—20 ёшларга қадар сақланиб боради. Асосан 20—24 ёшларда жинслар нисбати тенглашади. Ундан кейин эса, аста—секин жами аҳоли таркибидаги эркакларга қараганда аёллар салмоғи ортиб боради. Бу ҳол қатор оилалар билан боғлиқдир. Уларга болалик даврида ўғил болалар қиз болаларга нисбатан кўпроқ хасталаниши ва бахтсиз ходисалар туфайли кўпроқ нобуд бўлиши кабиларни киритиш мумкин. Шунингдек, эркакларнинг кўп қисми ёшлик ва ўрга ёшлик даврида оғир меҳнат билан машғул бўлиб, инсон саломатлиги учун зарарли бўлган алкоголизм, чекиш каби одатлар билан шуғулланишлар. Юқорида келтирилган турмуш тарзига ҳос оилалар, ҳамда халқлар орасида, давлатлар орасида рўй бериб турадиган урушлар эркакларнинг ҳаётдан барвақт кўз юмишига олиб келади.<sup>11</sup> Шундай бўлсада аҳоли жинсий таркибининг шаклланиши дунё ҳудудларининг ҳар бирида ўзига

<sup>10</sup> Юқорида қайд этилган манба, 177 бет.

<sup>11</sup> Г.Р. Асанов, "Аҳоли географияси", Тошкент, 1978 йил, 75 бет, М.Р. Буриева "Ўзбекистонда оила демографияси" Тошкент, 1987 й., 57 бет.

ҳос ҳусусиятга эгадир. Ушбу ҳусусиятлар юқорида қайд этилганидек ана шу ҳудуднинг ижтимоий – иқтисодий шароитлари билан ифодаланади.

Дунёда, аҳоли таркибида аёллар салмоғи юқори бўлган қитъа Европадир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларига қараганда Европадаги давлатларда ҳозирги даврда ҳар 100 та эркакка 103 – 106 тадан аёл тўғри келар экан. Бу ҳолатнинг асосий сабаби европалик аёлларнинг оилада ва ижтимоий ҳаётда тутган ўрнидир. Биринчи навбатда уларнинг оилада жуда кам – фақат битта иккита фарзанд кўриши узоқ яшашликларининг асосий омили ҳисобланади. Чувки аёл ўз ҳаёти давомида оилада қанча кўп фарзанд кўрса, уларни тарбиялаб вояга етказиш борасида, унинг ҳаётидаги маъсуляти ҳам шунчалик юқори бўлади. Иккинчидан, Европа аёллари маълумотлилик даражасининг нисбатан юқорилиги, яъни саводхонлиги, улар яшаётган жамиятнинг иқтисодий шароитлари юқорилиги, тиббий хизмат кўрсатишнинг ривожланганлиги, ҳамда Европанинг географик ҳолати, иқлими аёллар саломатлигига ижобий таъсир этади.

Аҳоли таркибида аёллар салмоғининг юқорилиги иқтисодий ривожланган Шимолий Америка (АҚШ ва Канада) давлатларида ҳам кузатилади.

Лотин Америкаси, Африка, Осиё ва тинч океани ҳавзасида жойлашаган давлатларда эса аҳоли таркибида аёллар салмоғи камроқ бўлиб, ҳар 100 эркакка 95 – 97 тадан аёл тўғри келади. Бу регионларда аёлларнинг эркакларга нисбатан камлиги ушбу ҳудудларда аёлларнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрнининг нисбатан пастлиги, маълумотлилик даражасининг камлиги, аёлларнинг кўп фарзанд кўриши ва уларнинг оғир турмуш шароити натижасида ҳаётдан эртарақ кўз юмиши билан боғлиқ.

Дунёнинг баъзи давлатларида аёллар салмоғи жуда ҳам паст. Масалан, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари каби нефть қазиб олинадиган давлатларда ҳар 100 эркакка 52 – 85 аёл тўғри келади. Сабаби бу давлатларда нефть саноатида ишлаш учун келган иммигрант – эркаклар кўпчиликини ташкил қилади.

Дунё бўйича эркаклар кўп давлат Йорданиядир, унда ҳар 1000 та аёлга 1097 та эркак тўғри келар экан. Бунинг асосий сабаби, Йордания ва бошқа ривожланаётган мамлакатларда аёллар турмуш тарзининг бир мунча оғирлигидир. Бу мамлакатларда аёллар асосан эрта турмушга чиқадилар, кўп бола тугадилар ва аёл организми учун оғир бўлган ишлар, қишлоқ хўжалиги ишлари билан шуғулланадилар. Уларнинг иқтисодий ҳаёт даражаси ривожланган давлатлардаги аёлларга нисбатан анча паст. Ундан ташқарии қатор давлатларда қиз бола тарбия –

сига яхши эътибор берилмаслиги натижасида, қизлар аёллар ўртасида ўлим ҳоллари эркакларникига қараганда кўпроқ учрайди.

Осиё давлатларида аёллар салмоғининг камлиги, умуман жамиятда аёл дискриминацияси, яъни аёл шахсининг камситилиши билан боғлиқдир. Чунки кўп ҳолларда оилада фақат ўғил бўлиши, ёки ўғил қиздан кўра кўпроқ бўлишига ҳаракат қилинади. Натижада ҳомиланинг қиз эканлигини билгач, уни тиббий йўл билан йўқ этилади. Бу ҳолни адабиётларда "бола ўлдириш" деб ҳам атайдилар. Натижада туғилган болалар салмоғида ўғил болалар сони кўп бўлиб чиқади. Масалан (1998 – йил маълумоти) Хитой ва Кореяда ҳар 100 ўғил болага 88 та қиз бола, Ҳиндистонда 91 ва Покистонда 92 та қиз бола туғилган. Демак келажақда, бу давлатларда эркакларнинг салмоғи ошиб бориши аниқ.

3 – жадвал

**Дунё аҳолиснинг жинсий таркиби (ҳар 100 эркакка нисбатан аёллар сони) 1970 ва 1995 йиллар**

Худудлар		1970	1995
Ривожданган давлатлар	Европа	106	105
	Бошқа ривожланган давлатлар	101	103
Африка	Шимолий Америка Жанубий Африка	99	97
	(Саҳрои кабирдан бошлаб жанубда жойлашаган давлатлар)	104	102
Америка	Лотин Америкаси	99	100
	Кариб хавзаси	106	103
Осиё ва Тинч Океания	Шарқий Осиё	98	97
	Жанубий Осиё	95	95
	Марказий Осиё	—	104
	Ғарбий Осиё	90	92
	Океания	93	95
Дунё бўйича		99,6	98,6

Жадвал БМТ нинг "Женщины мира, 1995 год" (1 – бет) маълумотларини асосида тузилган.

Шундай қилиб ҳозирги кунда бутун дунё аҳолиси таркибида аёллар эркакларга нисбатан камроқ экан. Лекин келажақда ер куррасидаги қатор худудларда аёл турмуш тарзини яхшиланиши, туғилишнинг қисқариб бориши аҳоли таркибида аёллар салмоғининг ошиб боришига омил бўлса ажаб эмас.

Аҳолининг жинсий мутаносиблиги ёш гуруҳлари бўйича ҳам кескин фарқ қилади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, дунёдаги барча давлатларда ҳам 0—14 ёш гуруҳларида ўғил болалар қиз болаларга нисбатан кўпроқ экан. Бу ҳол юқорида таъкидлаганимиздек, ўғил болаларнинг кўпроқ туғилиши билан боғлиқдир. 15—64 ёш гуруҳларида эса аёллар ва эркеклар салмоғи дунё бўйича бир мунча тенглашади ва ҳар минг аёлга 1020 эркек тўғри келади. Лекин бу нисбийлик ҳамма қитъаларда ҳам бир хил эмас. Собиқ СССР да ҳар 1000 аёлга 937 эркек тўғри келса, Европада—1000, Осиёда—1049, Африкада—979, Америкада—990 ва Океанияда 1039, Ўзбекистонда—996 ни ташкил этади. 65 ва ундан юқори ёш гуруҳларида дунёдаги барча давлатларда ҳам эркеклар аёлларга нисбатан камайиб кетиш жараёнлари кузатилади. Ҳар 1000 та 65 ва ундан юқори ёш гуруҳларидаги аёлларга ер шари бўйича 742 та, Европада 649 та, Осиёда—879 та, Африкада—889 та, Америкада—741 та, Океанияда 818 та, Собиқ Иттифоқ таркибига кирган давлатларда эса—444 та эркек тўғри келади. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 580 ни ташкил этади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, иккинчи жаҳон урушида қатор, европа давлатлари, айниқса собиқ СССР жуда кўп эркеклар қирилиб кетган. Шунинг учун ҳам XX асрнинг охирига қадар аҳоли таркибида аёллар нисбати энг юқори бўлган давлат собиқ СССР ҳисобланар эди. 1989 йил бу давлатда ҳар 1000 аёлга 891 эркек тўғри келган.

Юқорида келтирилган маълумотлар дунё аҳолисининг жинсий таркибидаги умумий ўзгаришларни кўрсатади.

Аҳолининг ёш таркиби. Дунё аҳолисининг ёш таркиби аҳоли такрор барпо бўлиши ҳусусиятларига, урушларга ва аҳоли миграциясига (алоҳида давлатлар ва ҳудудлар учун) боғлиқдир.

Аҳолининг ёш таркиби демографик кўрсаткичларга, айниқса туғилиш ва ўлимнинг умумий коэффициентларига, иқтисодий фаол аҳоли салмоғига таъсир этади.

Дунё ҳудудлари аҳоли ёш таркиби бўйича икки турга ажратилади. Биринчи турдаги ҳудудларда туғилиш ва ўлим юқори даражада, аҳолининг умр кўриши эса кам яъни қисқа бўлади. Бу ҳудудлар аҳоли таркибида болалар, яъни 0—14 ёшдаги аҳоли салмоғи юқори, 65 ва ундан юқори—қариялар салмоғи эса паст даражада бўлади. Биринчи турдаги ҳудудларга Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги ривожланаётган давлатлар киради. Иккинчи турдаги ҳудудларда эса туғилиш ҳам ўлим ҳам паст даражада, аҳолининг умр кўриш муддати узоқ, аҳоли таркибида қариялар салмоғи эса юқори бўлади. Бу турга асосан иқтисодий ривожланаётган давлатларни киритиш мумкин. Дунё

аҳолисининг ёш таркибида кейинги 15–20 йил ичида сезиларли ўзгарди. Аҳоли таркибида болалар салмоғи камайиб, меҳнат ёшидаги аҳоли ва қариялар салмоғи ортди.

Қуйида келтирилган жавдал маълумотларидан кўриниб турибдики дунё аҳолиси таркибида болалар салмоғи мунтазам камайиб бормоқда. Бундай ҳолат дунёнинг аксарият ҳудудларида 1970 йиллардан бошлаб туғилишнинг қисқариб бораётганлиги билан боғлиқдир. Масалан 1950–1954 йилларда дунё бўйича туғилишнинг умумий коэффициенти 37,3 ‰, 1985–1989 йилларда 26,0 ‰ ва 2001 йил 22‰ ни ташкил этган. Демак 1950–2001 йилларда ер шарига аҳолининг туғилиши 15,3 ‰ га ёки 41,2 фоизга қисқарган. Анна шу даврда туғилишни қисқариши билан бир қаторда Дунё аҳолисининг ўлим ҳолатлари ҳам мунтазам камайиб борган. Аҳолининг ўртача умр кўриш муддати эса узайган. 1950–1954 йилларда дунё бўйича эркакларнинг умр кўриши ўртача 44,8 йилни, аёлларнинг умр кўриши эса ўртача 47,2 йилни ташкил этган. 1980–1984 йилда бу кўрсаткич мос равишда 58,2, 60,9 йилни, 2001 йилда эса 65,0 ва 69,0 йилни ташкил этган. Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики 1950–2001 йилларда Дунё аҳолисисининг умр кўриш муддати эркакларда 20,2 йилга, аёлларда эса 21,8 йилга узайган. Натижада дунё аҳолиси таркибида меҳнат ёшидаги аҳоли ҳамда қариялар салмоғи кўпайган.

#### 4–жадвал

#### Дунё аҳолисининг ёш таркиби 1975, 1985 ва 2001 йиллар % ҳисобида

Ёш гуруҳлари	Дунё бўйича	Европа	Осиё	Африка	Америка	Океания
<b>1975 йил**</b>						
0–14	36,6	24,9	38,9	44,1	36,4	32,2
15–64	57,9	63,7	57,0	53,0	57,2	60,5
65 ва ундан юқори	5,5	11,4	4,1	2,9	6,4	7,3
<b>1985 йил</b>						
0–14	33,7	20,9	35,0	45,4	31,6	28,6
15–64	60,6	66,7	60,6	51,5	61,2	63,3
65 ва ундан юқори	5,7	12,4	4,4	3,1	7,2	8,1
<b>2001 йил</b>						
0–14	30,0	18,0	30,0	43,0	28,0	25,0
15–64	63,0	67,0	64,0	54,0	64,0	65,0
65 ва ундан юқори	7,0	15,0	6,0	3,0	8,0	10,0

\* БМТ маълумотлари: Население мира М., 1989, стр.292; Население и общество. Иноформ бюллетен РАН М., 2001 №56;

\*\* 1975 ва 1985 йилларда Европа ва Осиё таркибига собиқ СССРнинг Европа ва Осиё ҳудудидagi давлатлари киритилмаган.

Демографик нуқтаи назардан жами аҳоли таркибида қариялар салмоғи 7 фоизга етса, аҳолининг қариш жараёни бошланади. Жадвал маълумотлари гувоҳлик беришича дунё аҳолиси таркибида XXI аср бошида қариялар салмоғи 7 фоизни ташкил этмоқда. Бу ҳол сайёрамизда аҳолининг қариш жараёни бошланганидан далолат беради. Бу жараён айниқса Европа давлатларида юқори даражада бўлиб аҳоли таркибида қариялар ҳозирги даврда 15–16 фоизни ташкил этмоқда. Осиё ва Африка мамлакатларида эса қариялар салмоғи дунё бўйича кам 3–6 %, Америка ва Океанияда аҳолининг қариш жараёни кейинги 10–15 йил давомида кучайиб келмоқда. Бу ҳудудларда қариялар салмоғи дунёнинг ўртача кўрсаткичидан юқори бўлиб, 8–10 фоизга етган.

Дунё аҳолисида содир бўлаётган аҳолининг қариш жараёни, юқорида қайд этилганидек қатор ижтимоий – иқтисодий омиллар таъсирида туғилишни ва ўлимни камайиши ҳамда аҳоли умр кўриш муддатини узайиши билан боғлиқдир.

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики дунёнинг барча ҳудудларида ҳам аҳолининг умр кўриш муддати узайган. Бу ҳол ҳар бир ҳудуднинг, давлатнинг, ижтимоий – иқтисодий ривожланиш даражасига, турмуш тарзига, табиий имкониятларига боғлиқдир. Ҳозирги даврда (2001 й.) дунё бўйича аҳолининг (эркаклар ва аёллар) кутилаётган умр кўриш муддати ўртача 67 йилни ташкил этмоқда. Ривожланган мамлакатларда эса аҳолининг умр кўриш муддати дунё аҳолисининг ўртача кўрсаткичидан анча юқори. Масалан Япония дунёдаги иқтисодий ривожланган давлатлардан бўлиб, аҳолисининг умр кўриш муддати 81 йилни (2001 й.) ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич Швейцария ва Швецияда – 80, Исландия, Франция ва Италияда – 79, Исроил, Испания, Бельгия, Нидерландия, Германияда – 78, АҚШ, Буюк Британияда – 77 йилни ташкил этади. Дунёда аҳолиси нисбатан қисқа умр кўрадиган давлатлар ҳам мавжуд бўлиб уларга Замбия – (37 ёш), Нигер – (41 ёш) ва Афғонистон – (45 ёш) давлатлари киради.

Аҳоли узоқ умр кўрувчи иқтисодий ривожланган давлатлар аҳолиси таркибида қариялар салмоғи бугунги кунда 15–16 фоизни ташкил этса, ривожланаётган давлатларда эса бу кўрсаткич 5–6 фоизни ташкил этмоқда.

**Дунё аҳолисининг умр кўриш муддати\***  
**(йил ҳисобида, ўртача)\*\***

Худудлар	Жинс	1950 – 1954	1970 – 1974	1980 – 1989	2001
Дунё бўйича	Эркалар	44,8	55,5	58,2	65,0
	Аёллар	47,2	57,7	60,9	69,0
Европа	Эркалар	63,3	68,4	69,9	70,0
	Аёллар	67,6	74,5	76,5	78,0
Осиё	Эркалар	40,6	55,3	58,5	65,0
	Аёллар	41,9	55,9	59,7	68,0
Африка	Эркалар	36,4	44,3	47,9	52,0
	Аёллар	39,2	47,3	51,0	55,0
Америка	Эркалар	55,6	61,0	64,1	70,0
	Аёллар	59,9	66,3	69,6	76,0
Оксания	Эркалар	59,0	63,4	65,4	72,0
	Аёллар	62,7	68,3	70,6	76,0

\*туғилганда кутилётган умр кўриш

\*\* жадвал Население мира М., 1989, стр. 198 – 200; Население и общество Информ. Бюллетень РАН. М., 2001 №56 маълумотлари асосида тузилган

\*\*\* 1975 – 1954, 1970 – 1974 ва 1980 – 1984 солиқ СССР таркибида Европа ва Осиё худудлари киритилмаган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки кейинги 20–30 йил мобайнида дунёдаги барча давлатларда ҳам қариялар салмоғи кўпайиб борди. Масалан ҳозирги даврда дунё бўйича 65 ёш ва ундан катта бўлган аҳоли ҳар йили 9 миллионга кўпайиб бормоқда. Ёки аҳолининг йиллик кўпайишида қариялар салмоғи 10 фоизни ташкил этмоқда.

Мутахассислар башорат этишларича яқин келажақда дунёнинг барча худудларида ҳам турли ижтимоий – иқтисодий омилар таъсирида қариялар салмоғи ортиб борар экан. Масалан, ривожланган давлатларда ҳозир аҳоли таркибида қариялар 15 фоизни ташкил этса 2050 йилга бориб жами аҳоли таркибида қариялар салмоғи 25–30 фоизни ташкил этар экан. Бундай жараён ривожланаётган давлатларда ҳам содир бўлиб, бу давлатларда қариялар салмоғи ҳозирги даврга нисбатан 1,5–2 баробарга кўпайиб, жами аҳоли таркибида уларнинг хиссаси 8–10 фоизга егиши кутилмоқда.

**Туғилиш, ўлим ва табиий ўсиш**

Дунёда аҳоли сонининг кўпайиб ёки камайиб бориши аҳолининг табиий ўсишига, яъни туғилиш ва ўлим жараёнларига боғлиқдир.

Статистик маълумотлар, махсус илмий тадқиқотлар кўрсатишича, кейинги 20–30 йил давомида ер шари аҳолисининг



кўлайиш суръати анчагина секинлашган. Бу ҳол аввало туғилишнинг аста секин камайиб бориши билан боғлиқдир.

Туғилишнинг камайиб бориши тарихий жараён бўлиб, ҳар бир халқнинг ижтимоий – иқтисодий тараққиёт даражаси билан боғлиқдир. Маълумки, инсоният ўз тараққиёти давомида бир неча ижтимоий – иқтисодий босқичларни босиб ўтди.

Туғилиш даражаси жамият тараққиётининг ҳамма босқичларида ҳам бир хил бўлавермаган. Юқорида айтганимиздек капиталистик формациягача мавжуд бўлган даврларда туғилиш биологик ҳарактерга эга бўлган, яъни чекланмаган. Кўпбоалик жамият томонидан ҳам қувватланган. Бу ҳолни хозирги жамият тараққиёт босқичида туриб тасаввур қилиш мушкулроқ албатта. Масаланинг туб моҳиятига назар ташлашга тўғри келади, қайсики ўша ўтмиш замонлардаги ижтимоий – иқтисодий тараққиёт билан бевосита боғлиқдир. Қулдорлик даврида ҳам, феодализмда ҳам кўпбоалиқдан ҳар бир оила ва шу билан бирга жамият ҳам манфаатдор эди. Нега шундай? Энг аввало оилада боланинг иқтисодий роли жуда катта эди. Кўпгина мамлакатларда оила юмушларида, хунармандчиликда, деҳқончиликда ва чорвачиликда болалар меҳнатидан фойдаланилган. Оилада иқтисодий даромаднинг бир қисми бевосита болаларнинг меҳнати орқали яратилган. Демак, бола меҳнати миллий даромаднинг маълум улушини ташкил этгани сабабли, жамият томонидан қўллаб қувватланган. Ҳатто баъзи давлатларда, масалан, Россияда деҳқонларга ишлаш учун бериладиган ер ҳам болалар сонига қараб тақсимланарди. Бундай шароитда, ўз – ўзидан кўриниб турибдики, ҳар бир оила болалар сонини кўлайтиришдан манфаатдор бўлган.

Капиталистик ишлаб чиқариш усулининг вужудга келиши билан саноат тез ривожлана бошлади, янги – янги шаҳарлар пайдо бўлди. Кўпчилик аҳоли иш қидириб қишлоқдан шаҳарга кўчиб кела бошлади. Шаҳар аҳолисининг ўсиб бориши натижасида бир томондан шаҳарларда турар жой, озиқ – овқат муаммолари келиб чиққан бўлса, иккинчи томондан фан техника тараққий этиб, ишсизлик вужудга келди. Учинчидан, капиталистик ишлаб чиқаришда аёллар ва болалар меҳнатига жуда кам ҳақ тўланади эди. Жамиятда бундай ўзгаришлар оилада болалар сонини чеклашга, туғилишнинг қисқаришига олиб келди. Аҳолисининг асосий қисми шаҳарларда яшовчи Хорижий Европа мамлакатларида туғилиш айниқса камайиб кетди. Масалан, Англияда 1850 йилларда аҳолининг 50% шаҳарларда яшаган ва ҳар минг киши ҳисобига туғилган болалар сони ўртача 32,6 ни ташкил қилган бўлса, ҳозирги аҳолининг 80%га

яқини шаҳарларда яшайди ва ҳар минг кишига нисбатан туғилган болалар сони 10 тани ташкил қилади. Ёки Францияни олиб қарайлик. Бу мамлакатда 1850 йилдан то ҳозиргача шаҳар аҳолиси 25,5 % дан 74 % гача кўпайди. Ҳар минг киши ҳисобига туғилган болалар сони эса 26,2 дан, 13,7 гача камайди. Германия республикасида эса аҳолининг 94% шаҳарларда истиқомат қилишади. Туғилиш кўрсаткичи эса 9%<sub>0</sub>ни ташкил этади ҳолос, ва дунёда туғилиш энг кам давлатлардан ҳисобланади.

Ер юзиде туғилишнинг камайиши асосан XVIII асрнинг иккинчи ярмида Фарбий Европа давлатларида бошланиб, кейинчалик бу қитъанинг бошқа мамлакатларига, ундан сўнг эса АҚШ, Канада, Австралия ва Японияга тарқалди. Айниқса, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган давлатларда туғилиш тез камая бошлади. Ушбу давлатларда 1750 – 1800 йилларда ҳар минг киши ҳисобига 38 та бола туғилган бўлса, 1970 – 1990 йилларда бу кўрсаткич 16ни, 2001 йили 10 – 12 ни ташкил қилди. Бошқача қилиб айтганда, туғилиш 3 мартадан кўпроқ қисқарган. Энди худди ана шу даврлар учун ривожланаётган мамлакатлардаги туғилишни қиёслайдиган бўлсак, бошқача ахволни гувоҳи бўламиз. Уларда 1750—1790 йилларда ҳар минг киши ҳисобига 41 тадан бола туғилган ва 1970 – 1990 йилларда эса ҳар 1000 киши ҳисобига туғилган бола 34 ни, 2001 йили эса 24 ни ташкил қилган.

Демак ривожланаётган давлатларда туғилишнинг камайиши, нисбатан олиб қаралганда, авча секин борган.

Ҳозирги даврда туғилиш ер шари бўйича бир хил эмас.

Қуйида келтирилган жадвал маълумотлари гувоҳлик беришича дунё континентлари бўйлаб энг юқори туғилиш Африкада, энг пасте эса Европа давлатларида экан.

Сайёрамизда туғилишнинг территориялар бўйлаб бундай фарқ қилиши, аввало у давлат аҳолисининг моддий ва маданий турмуш даражасига, аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда бандлигига, ҳамда шу давлат халқининг асрлар давомида шаклланиб, сақланиб келаётган миллий урф – одатларига, қолаверса динига боғлиқдир. Булардан ташқари, туғилишга аҳолининг жинс ва ёш бўйича тақсимланиши, никоҳдан ўтиш ва ажрланиш кўрсаткичлари каби қатор демографик омиллар, психологик омиллар, тиббиёт ривожланиши, ҳамда ҳар бир давлат томонидан олиб борилаётган демографик сиёсат ҳам таъсир қилади.

**Дунё ҳудудлари бўйича аҳолининг  
табiiий ўсиши (2001 й)**

Дунё ҳудудлари	ҳар 1000 аҳолига нисбатан туғилганлар сони	Ҳар 1000 аҳолига нисбатан ўлганлар сони	ҳар 1000 аҳолига нисбатан табiiий ўсiш
Дунё бўйича	22	9	13
Африка	38	14	24
Америка	20	7	13
Осиё	22	8	14
Европа	10	11	- 1
Океания	18	7	11

Жадвал "Население и общества", ИНФОРМ Бюллетень РАН. М., 2001 №56: маълумотлари асосида тузилган.

Юқорида қайд этилганидек, умуман статистик маълумотларга қараганда кейинги 20–25 йил ичида дунёнинг деярли ҳамма қисмида туғилишнинг камайиб бориши кузатилмоқда.

1970–2001 йиллар давомида туғилишнинг энг тез камайиши Шимолий Америкага тўғри келади (шу давр ичида 1,7 марта камайган). Унинг сабабларига бир назар солиб кўрайлик—чи. Асосий сабаблардан бири шаҳар аҳолисининг ўсиши бўлган. Масалан, АҚШ ва Канадада шаҳар аҳолисининг 1950–2001 йилларда 64 %дан 75–79%гача ўсган. Бундан ташқари, туғилишнинг камайишига аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда, ёлланма ишларда қатнашиши ҳам сабаб бўлган. Масалан, Канадада 1931 йил моддий ишлаб чиқаришда қатнашувчи аҳолининг 17% аёллар бўлган бўлса, 1980–2001 йилларда эса бу кўрсаткич 40%дан ошиб кетди. Шимолий Америкада туғилишнинг камайишига олиб келган муҳим сабаблардан яна бири ажралишнинг никоҳдан кўплигидир. Ҳозирги даврда АҚШда ҳар йили қайд этилган никоҳларнинг 50%га яқини бузилганлиги маълум. Табiiий ҳолки, никоҳнинг қисқа вақт давом этиши оилада бола сонининг ўз—ўзидан камайишига олиб келади. Бундан ташқари, Шимолий Америкада ишсизлар сонининг тобора ортиб бориши, эртанги кунга ишончсизлик билан қараш каби хусусиятлари ҳам туғилишни камайтиради.

Баъзи жойларда давлат томонидан олиб борилаётган туғилишни чеклашга қаратилган демографик сиёсат ҳам туғилишнинг камайишига олиб келмоқда. Буни Хорижий

Осиёнинг энг йирик давлатлари — Хитой ва Ҳиндистон мисолида кўришимиз мумкин.

Хитойда оиладаги болалар сонини чеклаш давлат дастурига киритилган. 1970 йиллардан бошлаб аҳоли ўртасида туғилишни камайтириш учун қатор тadbирлар қўллана бошлади. Натижада, Хитойда туғилиш кескин камайди. БМТ маълумотларига қараганда, 1970—1974 йил ҳар бир аёл ўзининг фарзанд кўриш даврида ўртача 4,8 фарзанд кўрган бўлса, 1986—1990 йилларда — 2,1, 2001 йили 1,8 тадан фарзанд кўришган.

Ҳиндистонда ҳам туғилиш давлат томонидан назорат қилинади. Оилада болалар сонини чеклаш давлат дастурига киритилган. Бу масала юзасидан бир қанча ташкилотлар махсус тадқиқот олиб борадилар. Улар жумласига Оилани режалаштириш асоциацияси, Ҳиндистон тиббиёт асоциацияси, Ҳиндистон Қизил ярим ой жамияти каби ташкилотлар киради.

Ҳиндистонда туғилишнинг камайишига аҳоли саводлилиқ даражасининг ошиши ҳам таъсир этмоқда. Масалан, 1971 йили Ҳиндистон аҳолисининг 29,4% саводли эди. Ҳозирги даврда 40% дан юқори аҳоли саводлидир.

Туғилишни назорат қилиш, ҳамда халқнинг саводи даражасини кўтариш, тиббиётни ривожлантириш натижасида Ҳиндистон давлати туғилишни анча камайтиришга эришган. Масалан, 1970—2001 йилларда ҳар бир аёл ўз умри давомида кўрган фарзандлари сони 5,4 дан 3,2 гача камайди.

Маълумки, Хорижий Осиё аҳолисининг 70% дан кўпроғини Хитой ва Ҳиндистон аҳолиси ташкил этади. Шунинг учун Хитой ва Ҳиндистонда туғилишнинг нисбатан камайиши бутун Хорижий Осиё бўйича туғилиш кўрсаткичига таъсир қилди. 1970—2001 йилларда туғилиш Хорижий Осиёда деярли 2 баробар камайди.

Ана шу даврда туғилишнинг йиғинди коэффициентини Хорижий Европа 2,1 дан 1,4 га, Океанияда 3,1 дан 2,5 га, Африкада 6,5 дан 5,2 га камайтган.

Туғилишнинг ана шундай камайиб бориши, Россия, Украина, Белорусия, Молдова давлатларида ҳам кузатилади. 1970 йилда туғилишнинг умумий коэффициенти Россияда 14,6%, Украинада — 15,2%, Белоруссияда 16,2% ва Молдовада — 19, %<sub>0</sub> бўлган. 2001 йилда эса бу кўрсаткич мос равишда Россия, Белорусия ва Украинада 8%<sub>0</sub>ни, Молдовада эса 11%<sub>0</sub> ташкил этди.

Болтиқбўйи, Закавказия ва Марказий Осиё республикаларида ҳам кейинги 30—40 йил ичида туғилиш кескин камайганлигини гувоҳи бўламиз.

Шундай қилиб, сайёрамизда истиқомат қилувчи аксарият ҳақларда XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб туғилиш кескин камай бошлади ва ҳозирги даражасига етди.

7 – жадвал

**Болтиқбўйи, Закавказия ва Марказий  
Осиё республикаларида туғилиш динамикаси\***  
(ҳар 1000 аҳолига нисбатан туғилганлар сони)

Республикалар	1960 йил	1980 йил	2001 йил
Литва	22,5	15,1	9
Латвия	16,7	14,0	8
Эстония	16,6	15,0	9
Озарбойжон	42,3	25,2	15
Арманистон	40,1	22,7	9
Грузия	24,7	17,7	9
Ўзбекистон	39,8	33,8	22
Қозоғистон	37,2	23,8	15
Тожикистон	38,6	37,0	19
Қирғизистон	36,9	29,3	20
Туркменистон	42,4	34,3	19

\* Жадвал М.Буриева Оилада нечта фарзанд бўлгани маълум. Тошкент, 1995, 34 бет; Население и общества. М., 2001, №56; Естественное движение населения Республики Узбекистан. За 1999. Ташкент–2000, 8 бет, маълумотлари асосида тузилган.

Агар дунёдаги давлатларни туғилишнинг бутунги ҳолатига қараб шарҳламоқчи бўлсак уларни шартли равишда уч гуруҳга ажратмоғимиз лозим.

Маълумки, туғилишнинг йиғинди коэффициентини 2,1 дан паст бўлса туғилиш даражаси ҳам паст бўлади; 2,1–4,0 бўлса туғилиш даражаси ўртача ва 4,1 ва ундан юқори бўлса туғилиш даражаси юқори бўлади. Ана шу демографик мезонга асосан дунё давлатларини гуруҳларга ажратилади.

**Биринчи гуруҳ** – туғилиш даражаси юқори бўлган давлатлар; Африка давлатлари (МСР, Тунис, Морис ва Сейшел оролларида ташқари) Осиё ва Жанубий Америкадаги қатор давлатлар ҳамда Австралия ва Океаниядаги баъзи давлатлар киради. Бу давлатлардаги оилаларда фарзандлар сони ўртача 4,1 дан то 8гача, баъзи ҳолларда эса ундан ҳам юқори бўлган. Туғилиши энг юқори бўлган давлатлардан Нигер бўлиб, унда туғилишнинг йиғинди коэффициентини 7,5ни, Сомалида – 7,3ни ва Ямаида – 7,2 ни, Мали ва Хонгода – 7,0 ни ташкил этмоқда. Ушбу давлатлардаги оилаларда туғилиш даражасининг бундай юқори бўлишига олиб келувчи қатор омиллар мавжуддир. Улардан асосийлари қуйидагилар; юқорида зикр этилган давлатлар асосан иқтисодий жиҳатдан ривожланаётган давлатлар

бўлиб, айниқса аёлларнинг маълумотлилиги нисбатан паст; кўп болаликни қўллаб-қувватловчи анъаналар кўпроқ сақланиб қолган; аёллар ижтимоий ишлаб чиқаришда кам иштирок этади; шаҳар турмуш тарзининг шаклланиши суст; туғилишни чеклаш ҳақидаги тушунчалар ва унга керакли тиббий воситалар кенг тарқалмаганлиги.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимлиги, туғилиш даражасининг юқорилиги баъзи демографик оқибатларни келтириб чиқаради. Жумладан, аҳолининг сони тез кўпая бориб, кўплаб янги оилалар вужудга келади, аҳоли таркибида болалар салмоғи, юқори бўлади. Бу демографик оқибатлар эса, ўз ўрнида қатор ижтимоий – иқтисодий муаммоларга сабаб бўлади.

Туғилишнинг юқори бўлган давлатларда кейинги 15–20 йил ичида аҳоли сони йилига 2,5–3,2 фоиздан кўпайиб бормоқда. Бугунги кунда 72та давлатда туғилишнинг йиғинди коэффициенти 4,1–7,5 ташкил этмоқда. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки кейинги 10 йил ичида дунёдаги туғилиш юқори бўлган давлатлар камайиб бормоқда. 1989 йили бундай давлатлар сони 79ни ташкил этган бўлса 2001 йили уларнинг сони 7 тага камайди ва 72ни ташкил этди. Агар 1989 йилни ушбу давлатларда истиқомат этувчи аҳоли салмоғи, дунё аҳолисининг 23 фоизини ташкил этган бўлса 2001 йилга келиб бу кўрсаткич деярли 16 фоизни ташкил этмоқда.

Иккинчи гуруҳ – оилада туғилиш даражаси ўртача бўлган давлатлар, ушбу давлатларда туғилишнинг йиғинди коэффициенти 2,1–4,0 ни ташкил этади. 1989–2001 йилларда дунёда туғилиш даражаси ўртача бўлган давлатлар сони 44 дан 58га етди, яъни 14тага кўпайди. 1989 йили Ўзбекистон давлати ҳам туғилиши юқори бўлган давлатлар гуруҳига кирган бўлса, 2001 йилга келиб туғилиш даражаси ўртача бўлган давлатлар гуруҳидан жой олди. Туғилиш даражаси ўртача бўлган гуруҳда истиқомат этувчи аҳоли. 2001 йилда дунё аҳолисининг 39,3 фоизни ташкил этмоқда. Мазкур давлатларда туғилишни бундай даражада бўлиши уларнинг тарихан таркиб топиб келган ижтимоий – иқтисодий омиллари билан боғлиқдир. Туғилиш даражаси ўртача бўлган жойларда аҳолининг ўсиш суръати бир текис сақланиб туради. Уларда аҳолининг кескин кўпайиб кетиши ёки камайиб кетиш ҳоллари кутилмайди. Аҳоли тараққиётини бошқариш, иқтисодийетни режалаштириш борасидаги муаммоларни ҳал этиш бир мунча енгил кечади.

Учинчи гуруҳ эса – туғилиш даражаси кам бўлган давлатлар. Бу давлатларда аҳоли йилига 0,7–0,9 фоизга кўпайиб бормоқда. Оилаларнинг аксарият қисмида 1 ёки 2 тадан бола бор

холос. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки 1989—2001 йилларда туғилиш даражаси кам бўлган давлатлар сони 32 дан 70га кўпайди ёки 2 баробар ўсди. Ҳозирги даврда ушбу давлатларда дунё аҳолисининг 44,7 фоизи истиқомат этмоқда. Демак ХХI аср бошларига келиб дунё аҳолисининг деярли ярми кам болали оилаларда истиқомат этишар экан. Сўнги гуруҳ давлатларида истиқомат этувчи оилаларда туғилишнинг бундай камайиб кетиши биринчи навбатда капиталистик муносабатлар кенг тарқалиши билан боғлиқдир. Таъкидлаб ўтканимиздек, капиталистик ишлаб чиқариш шароитида саноат ривожланиб, шаҳарлар сонининг ўсиши ва шаҳар турмуш тарзининг кенг тарқалиши учинчи гуруҳга мансуб давлатларда туғилишнинг қисқаришига олиб келди. Айниқса, аҳолининг асосий қисми шаҳарларда яшовчи Европа мамлакатларида туғилиш жуда камайиб кетган. Масалан, Англияда 1850 йилларда аҳолининг 50 фоизи шаҳарларда яшаган ва шу даврда ҳар минг киши ҳисобига туғилган болалар сони ўртача 32—33 ни ташкил қилган бўлса, ҳозирги даврда аҳолининг 80 фоизи шаҳарларда яшайди ва ҳар минг кишига нисбатан туғилган болалар сони 12 ни ташкил қилмоқда. Ёки Германияни олиб қарайлик. Бу мамлакатда аҳолининг 90% шаҳарларда истиқомат қилади. Германия, дунёдаги туғилиш даражаси энг кам бўлган давлатдир. Ҳар минг кишига нисбатан туғилган болалар 9 %они ташкил этади. Ушбу гуруҳ давлатларида ҳозирги даврда туғилиш даражасининг камайиб кетишига олиб келган навбатдаги омил аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда, ёлланма ишларда кўпроқ қатнашишидир. Масалан, Канадада аёллар 1931 йили ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашган аҳолининг 17 %ни, 1980—1990 йилларда эса 40 фоизини ташкил этган. Иқтисодий ривожланган давлатларда туғилишнинг камайишига олиб келган омиллардан яна бири оилани бузилиши, яъни никоҳдан чиқиш ҳолларининг ниҳоятда кўплигидир. Ҳозирги даврда юқорида қайд этилганидек АҚШда рўйхатга олинган никоҳларнинг 50 фоизи бузилаётгани маълум. Бошқача қилиб айтганда оила қурган ёшларнинг деярли ярми ажралиб кетмоқда. Юқорида қайд этилганидек никоҳнинг қисқа вақт давом этиши оилада бола сонининг ўз—ўзидан камайишига олиб келади. Бундан ташқари, барча иқтисодий тараққий этган давлатлар қатори Шимолий Америкада ҳам фан — техника ривожланиб, ишлаб чиқариш соҳаларига кириб бориш натижасида аҳолининг таркибида инсизлик тобора кўпайиб бормоқда. Ишсиз, бошпанасиз аҳолининг оила қуриш ва фарзанд тарбия қилишга иқтисодий имконияти бўлмади. Шундай ҳолатлар ҳам туғилишнинг камайиб кетишига олиб келади.

Умуман олганда капиталистик муносабатларнинг кенг тарқалиши ва ривожланиши оиланинг фарзандларга бўлган ҳам иқтисодий ҳам маънавий эҳтиёжини ниҳоятда пасайтириб юборади. Фикримизнинг далили сифатида ривожланган капиталистик давлатлардан бири АҚШ оилаларидаги туғилиш кўрсаткичларига мурожаат қилайлик. Агар 1950 йили ҳар бир Америка оилаларида ўртача 3—4 тадан бола туғилган бўлса, 1970 йили бу кўрсаткич 2—3га, бугунги кунга келиб эса 1—2 гача камайди. Кейинги пайтларда, АҚШда фарзандсиз оилалар кўпайиб бормоқда. Бу давлатда ўтказилган ижтимоий тадқиқотларнинг кўрсатишича, кўпчилик оилаларда фақат биттадан фарзанд бўлиб, уларнинг 44 фоизи кутилмаганда, 15%и эса ҳоҳламаган ҳолда туғилган экан. Мутахассислар бу аҳволни "Америка оиласида инқроз" деб аташмоқда. Бу инқроз Америка Қўшма Штатлари учун муаммоми, йўқми? Уни шу давлат аҳолисининг тараққиёт тарихидан келиб чиқиб аниқламоқ лозим.

Шундай қилиб, биз юқорида жаҳон мамлакатлари оилаларида туғилиш жараёнидаги ўзгаришлар билан танишиб чиқдик. Маълум бўлдики ҳозирги пайтда ер юзидаги халқларнинг туғилиш жараёни бир хил эмас экан. Бир тоифа мамлакатларда оилаларнинг туғилиши жуда камайиб кетган бўлса, иккинчи бир хилида жуда юқори. Бу ҳол, юқорида айтганимиздек, турли ижтимоий — иқтисодий омиллар билан боғлиқ.

Дунё аҳолисининг кўпайиб боришида демографик вазиятнинг шаклланишида ўлим ҳам асосий жараён ҳисобланади.

XX асрнинг 50 йилларига қадар дунёнинг барча ҳудудларида ҳам ўлим юқори даражада эди. Ушбу даврга қадар аҳоли ўлимида кўпроқ экзоген (ташқи муҳит таъсирида) омиллар сабаб бўлган. Аҳолининг жуда кўп қисми Айниқса Осиё, Африка ҳудудларида юқумли касалликлардан болалик давридаёқ ҳаётдан кўз юмишган. Қадимда ер шарида гўдаклар ва аёллар ўлими айниқса юқори бўлган. Кўпчилик аёллар фарзанд кўриш давларида, турли касалликлар туфайли халок бўлишган. Илмий манабаларда қайд этилишича Марказий Осиё давлатларида XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошларида ҳар 1000 та туғилган чақалоқлардан бир ёшгача бўлган даврда 300—400 баъзи даврларда эса 500—600 таси nobud бўлганлар. Қадимда аҳоли ўлимининг юқорилиги аҳолининг турмуш даражасига, тиббий хизматларнинг етишмаслигига, аҳолининг маълумотлик даражасининг пастлигига, фарзандлар туғилишининг юқорилиги ва фарзандлар туғилиши орасидаги даврнинг нисбатан қисқалиги каби омиллар билан боғлиқ эди.



XX асрнинг иккинчи ярмига келиб эса дунё аҳолиси ўртасида ўлим ҳоллари кескин камайди. Ушбу даврда туғилиш эса нисбатан юқори даражада сақланиб турган эди. Натижада аҳолининг табиий ўсиши 1960–1970 йилларда дунёнинг жуда кўп ҳудудларида юқори даражада бўлди. 1960–1965 йилларда дунё бўйича аҳолининг табиий ўсиши 19,7 %, Марказий ва Жанубий Америка, Африка ва Осиёда 30 % гача кўтарилди.

1940–1950 йилларда ривожланган мамлакатларда туғилишни кўтарилиши ва ўлимнинг, айниқса гўдақлар ўлимининг кескин камайиши кузатилади.

1956–1970 йилларда эса аҳоли ўлимининг камайиши ривожланаётган давлатларда ҳам кузатила бошланган. Ушбу давлатларда аҳоли ўлими деярли икки бараварга камайди. Бунинг сабаби аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни бир мунча яхшиланиши, акушерлик хизмати ва элементар санитария гигиена қоидаларини йўлга қўйилиши, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан ривожланаётган мамлакатларда кенг тарқалган ўткир инфекция ва эпидемик касалликларга қарши чора тадбирлар олиб борилишидир.

Шунингдек, 1950–2001 йилларда ривожланаётган мамлакатларнинг ижтимоий–иқтисодий аҳволида ҳам қатор ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Натижада аҳолининг ўлими 1980–2001 йиллар давомида ҳам қисқаришда давом этди. 1980–2001 йилларда аҳоли ўлимининг умумий коэффициентини, дунё бўйича 10,9 % дан 9 % гача камайди. Бу кўрсаткич Африкада – 17,3 ва 14 %, Америкада 7,7 ва 7 %, Осиёда – 10,6 ва 8 % ни; Европада – 10,9 ва 11 % ни, ҳамда Океанияда 8,3 ва 7 % ни ташкил этди. Кўриниб турибдики дунёнинг барча ҳудудларида, аҳоли ўлими XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб мунтазам камайиб келмоқда. Фақат Европада аҳоли ўлимида бироз кўтарилиш кузатилади. Бунинг сабаби 1980–2001 йиллар давомида Европа аҳолиси тарқибда қариялар салмоғининг ошиб боришидир.

Туғилиш ва ўлим жараёнидаги ўзгаришлар Дунё аҳолисининг табиий ўсишига ҳам беvosита таъсир кўрсатди. Агар 1950–1970 йиллар жаҳон аҳолиси табиий ўсишининг энг юқори даражада бўлган даври бўлса, 1980–1990 йиллардан бошлаб дунё аҳолисининг табиий ўсиши мунтазам камайиб келмоқда. Бунинг асосий сабаби жаҳондаги барча давлатларда туғилиш даражасининг кескин камайиб кетаётганлигидир. 1980 йилларда дунё аҳолисининг табиий ўсиши ҳар минг кишига нисбатан 20% ни ташкил этган бўлса, 2001 йил бу кўрсаткич 13 % га тушди. Дунё бўйича аҳоли табиий ўсиши нисбатан юқори бўлган ҳудуд

Африка бўлиб, бу ерда 2001 йил аҳолининг табиий ўсиши 24 %о ни ташкил этмоқда. Америка, Осиё ва Океанияда аҳолининг табиий ўсиши, дунё аҳолисининг ўртача табиий ўсиши билан деярли тенгдир. Лекин Европада аҳвол бутунлай бошқача. Бу ҳудудда ХХI асрнинг дастлабки йилларидан бошлаб аҳоли табиий ўсиши салбий ҳусусиятта эга бўлмоқда, яъни камайиб бормоқда. Ҳозирга келиб, Европа ҳудуди бўйлаб аҳолининг табиий ўсиши ўртача  $-1\%$ о ташкил этмоқда. Чунки ушбу ҳудудда туғилаётган аҳоли сонига нисбатан ўлаётган аҳоли сони бир мунча юқорироқдир.

Савол ва тошириқлар

1. Дунёда аҳоли кўпайиши ва жойлашувининг ҳудудий ҳусусиятларини баён этинг.

2. Дунё аҳолисининг ёш – жинсий таркиби динамикасини тузинг.

3. Ўзбекистон аҳолисининг ёш – жинсий таркиби ҳусусиятларини таҳлил этинг.

4. Дунё аҳолисининг табиий ўсиши ва унинг ҳудудий ҳусусиятларини ёритиб беринг.

### Мавзу III. Ҳозирги замон демографик муаммолари

#### Режа:

1. "Аҳоли ортиқчалиги" муаммоси.
2. "Демографик қариш".

XX асрнинг иккинчи ярми ва ХХI асрнинг бошларига келиб, сайёримизда ҳудудий ҳусусиятларга эга бўлган демографик муаммолар вужудга келди. Баъзи ҳудудларда моддий бойликлар ишлаб чиқаришга нисбатан "аҳоли ортиқчалиги" кузатилса баъзи давлатларда эса аҳоли табиий ўсишининг кескин қисқариши, яъни демографик мезондан камайиб кетиши натижасида аҳолининг қариши яъни "демографик қариш" жараёни кузатилмоқда.

Аҳоли ортиқчалиги – инсон эҳтиёжи учун зарур бўлган моддий неъматлар ишлаб чиқаришга нисбатан аҳоли сонининг тез ортиб боришидир. Ҳозирги даврда (XI аср бошида) дунё аҳолиси ҳар куни 250 минг одамга кўпайиб бормоқда. Дунё аҳолисининг деярли барча ўсиши ривожланаётган мамлакатларга туғри келади. Ушбу ҳудудларда аҳолининг тез суръат билан ўсиши ХХ асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кузатилади. Масалан, 1900 – 1950 йилларда ривожланаётган давлатлар аҳолиси

йилига ўртача 1 фоиздан кўпайиб келган бўлса, 1950—1955 йилларда бу кўрсаткич 2—3 фоизни ташкил этди. Африкадаги баъзи давлатларда эса аҳоли йилига ўртача 4 фоиздан кўпая бошлади. Ушбу давлатларда аҳолининг бундай тез кўпайиши, бутун ер шари аҳолиси миқдорининг ҳам кескин ошиб боришига олиб келди. Чунки Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги ривожланаётган давлатларда дунё аҳолисининг учдан икки қисми истиқомат этади. 1900—1920 йилларда бутун дунё аҳолиси йилига ўртача 9,7 миллиондан кўпайган бўлса, 1940—1960 йиллада ўртача 35,1 миллиондан кўпайди. 1966—1967 йилда эса ер шари аҳолиси 65 миллионга ошди. Ундан 56 миллиони ривожланаётган давлатлар аҳолисининг кўпайиши ҳисобига рўй берди. Дунё аҳолисининг бундай тез кўпайишини олимлар “демографик портлаш”, деб изоҳладилар.

Ривожланаётган давлатларда XX асрнинг ўрталарида аҳоли сонининг ана шундай тез суръат билан ўсиши, асосан, учта демографик омилга боғлиқ бўлган. Улардан биринчиси — туғилишнинг юқори даражада саққланиб келаётганлиги.

1950—1966 йилларда дунёдаги иқтисодий ривожланган Европа, Шимолий Америка давлатлари ва Японияда ҳар 1000 аҳолига нисбатан туғилган болалар сони 16—22 ни ташкил этган бўлса, ривожланаётган давлатларда эса, бу кўрсаткич 35—45, ҳатто Африкадаги баъзи давлатларда эса 50—60 ни ташкил этди<sup>12</sup>. Туғилишнинг юқори бўлиши, биринчи навбатда ушбу давлатларнинг ижтимоий — иқтисодий тараққиёт даражаси билан боғлиқдир.

Ривожланаётган давлатларда бир томондан, феодал ва ибтидоий жамият муносабатларининг сақланиб қолиши, иккинчи томондан, мустамака тузимининг узоқ хукм суриши уларнинг дунёдаги иқтисодий жиҳатдан ривожланмаган аграр регионлар сифатида сақланиб қолишига сабаб бўлди. Натижада, саноат ривожланмади. Аҳолининг асосий қисми ҳанузгача қишлоқларда истиқомат этиб келмоқда. Қишлоқ турмуш тарзи эса, туғилишнинг юқори бўлишига олиб келувчи асосий омиллардан ҳисобланади. Ундан ташқари аёлларнинг ижтимоий тенгсизлиги, аҳолининг саводлилик даражасининг ниҳоятда пастлиги, қатор мусулмон давлатларида кўнболаликни кўллаб — қувватловчи анъаналарнинг мажбурлиги, ҳомиладорликни олдини олувчи воситаларни ва улар ҳақидги ташунчаларнинг кенг

<sup>12</sup> Гузеватый Я.Н. Программы контроля над рождаемостью в развивающихся странах. М., “Мысль”, 1969 г., с. 4.

тарқалмаганлиги каби омиллар ҳам ривожланаётган давлатларда аҳоли туғилшининг юқори бўлишига олиб келган.

Ривожланаётган давлатлар аҳолисининг кўпайишига олиб келувчи иккинчи демогафик омил — аҳоли ўлимининг кескин камайишидир. Статистик маълумотлар кўрсатишича, ривожланаётган давлатларда 1950 йили ҳар 1000 кишига нисбатан ўлганлар сони 15–22 ни ташкил этган бўлса, 1965 йилда бу кўрсаткич 8–10 ни ташкил этди. Айниқса болалар ўлими кескин камайди. Масалан, 1950 йили ҳар 1000 та туғилган болалардан Венесуэлада — 81, Гватемалада — 107, Эквадорда — 110, Мисрда — 153 та нобуд бўлган бўлса, 1965 йилда бу кўрсаткичлар, қайд этилган тартибда 48; 93; 93 ва 118 ни ташкил этди. Бошқача қилиб айтганда, ривожланаётган давлатларда 1950–1965 йилларда аҳоли ўлими 1, 1,5 марта камайган. Аҳоли ўлимининг бундай қисқа даврда кескин камайиши, юқорида қайд этилганидек асосан ривожланаётган давлатларда БМТ ва бошқа хайрия ташкилотлари томонидан аҳолига тиббий ёрдам берилиши натижасида, турли эпидемия ва юқумли касалликларнинг камайиб кетиши билан боғлиқдир.

Ривожланаётган давлатларда аҳоли сонининг кўпайишига олиб келган учинчи омил — аҳолининг ўртача умр кўриш даврининг кўтарилишидир. Масалан: аҳоли сони бўйича жаҳонда иккинчи ўринда турувчи Ҳиндистонда 1950 йили ўртача умр кўриш ёши аёлларда — 31,7, эркекларда — 32,4 ни ташкил этган бўлса, 1960 йили аёлларнинг умр кўриши салкам 9 йилга узайди ва 40,5 ни ташкил этди. Бу даврда эркекларнинг умр кўриши эса 9,5 йилга узайди ва 41,9 ни ташкил этди. Ана шу даврда Чили республикасида ҳам эркекларнинг умри 9 йилга узайиб 48,8 йилни, аёлларнинг умри эса 10,7 йилга узайиб 53,9 ни ташкил этган. Бундай ҳолни Африка, Латин Америкаси ва Осиёдаги қатор давлатларда ҳам кузатиш мумкин.

Юқорида қайд этилган омиллар таъсирида ривожланаётган давлатларда аҳоли сони XX аср охирида тез ошиб кетди. Аҳолининг тез суръат билан кўпайиб бориши ривожланаётган давлатларда бугунги кунда ҳам давом этмоқда.

"Аҳоли ортиқчалиги" муаммоси Айниқса Ҳиндистон ва Хитой каби давлатлар учун жуда ташвишли кечмоқда.

Ҳиндистонда XX асрнинг 90 йилларида аҳолининг кўпайиб боришида рекорд тезлик қайд қилинган. Ушбу даврда Ҳиндистон аҳолиси 1 йилда 15,6 миллионга кўпайган. XXІ асрга келиб бу давлатда аҳоли сони 1 миллиарддан ошди.

Бхарат (ҳиндлар ўз мамлакатларини шундай атайдилар) жаҳоннинг энг камбағал давлатларидан бири бўлиб қолмоқда,

гарчи иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари бўйича у дунёда биринчи ўнликга кирган бўлса ҳам, Ҳинд иқтисодиёти катта ютуқларга эришди, бироқ уларнинг барчаси узлуксиз ўсиб бораётган аҳоли томонидан "еб ташланмоқда". "Биз учун энг хавфлиси. Хитой ёки Покистон атом бомбаси эмас, балки туғилиш бомбасидир!", — деган эди ўз замонида Раджиф Ганди.

Болаларнинг кўпайиши оилада барака тимсоли, деб ҳисоблайдиган одамлар яшовчи мамлакатда туғилишнинг камайтирилиши осон кечмади. Қадимда бу ерда худоларга қилинаётган илтижоларда одамлар ёмғир ва фарзандлар, айниқса ўғил болаларни, уларга юборилишини сўрар эдилар. Шу боис 1951 йилда мустақил Ҳиндистоннинг биринчи премьер министри Жавохарлаъл Неру "Оилани режалаштириш дастурини" бошлаганда, бу хол ҳинд ва мусулмон руҳонийларининг кескин қаршилигига ва аҳолининг кўп қисми томонидан тушунмовчиликларга олиб келди.

Шундай бўлса — да, Нерунинг қизи Индра Ганди, 1966 йилда премьер миңистрлик лавозимини эгаллаб, мазкур дастурни фаоллаштиришга киришди. Бироқ IV беш йиллик (1969—1974) режаларида кўзда тутилганидек туғилишини 35 % дан 32 % га камайтиришни иложи бўлмади. Лекин кейинги беш йилликда боалалар туғилишини 30 % гача тушириш режалаштирилди.

Давлатда туғилишни чеклаш, назорат этиш бўйича турли ҳаракатлар амалга оширилди. Лекин бу ҳаракатлар қатор қаршилиқларга ҳам учради.

70 йиллар ўрталарида бўлиб ўтган сиёсий норизоликлардан сўнг давлатнинг демографик дастури "Оиланинг фаровонлиги дастури" деб аталадиган бўлди, унинг асосий мақсадлари қилиб эса "тарғибот ишлари" қўйилди. Уларни амалга ошириш учун хорижий мутахассислар, шунингдек жамоатчилик ташкилотлари ҳам, тақлиф этилди.

1980 йили Ҳинд давлати раҳбарияти 2000 йилга мўлжалланган янги дастурни қабул қилди. Унга кўра: ҳар бир оилада ўртача болалар сонини 4,4 дан 2,3 га камайтириш, туғилишнинг умумий коэффициентини эса 33 % дан 21 % гача қисқартириш, ҳеч бўлмаганда 60% эр — хотинлар доимий равишда ҳомиладорликни олдини олувчи воситалардан фойдаланиши, шунингдек болалар ўлимининг камайтириш кўзда тутилган эди. Бугунги кунда Ҳинд соғлиқни сақлаш ва оила фаровонлиги департаменти маълумотларига кўра, ҳинд оилаларининг 45 фоизи ҳомиладорликни олдини олувчи воситалардан фойдаланишади, туғилиш эса бир оилага 3,9 болагача камайган. Бироқ, Ҳиндистон Давлати аҳоли ўсишини

режалаштирилган мезонига эриша олгани йўқ. Шунингдек, Ҳиндистонда туғилишни назорат этиш билан боғлиқ бўлган тўполонлар ҳозирги даврда ҳам содир бўлиб турибди.

Хитойда ҳам аҳоли ортиқчалиги муаммоси мавжуд. Бу ҳолни чуқур аниқлаш учун демографик омилни ва сиёсатни ҳисобга олиш лозим. Расмий хабарларга кўра, бутун бу мамлакатда 1,27 миллиарддан ошиқ одам яшайди (бу сайёра аҳолисининг 22 фоизини ташкил этади). 2030 йилда эса — бу кўрсаткич 1,6 млрд.ни ташкил этади. Бироқ, кўп ғарб аналитик маказлари Хитой аҳолисини ҳозирнинг ўзидаёқ 2,2 миллиард деб ҳисоблайдилар. Лекин, кўп ҳолларда 1,6 миллиард рақами қўлланилмоқда. Ғарб мутахассислари бу борада, Хитой рахбарияти дунёни хитойликларнинг ҳақиқий сони билан кўрқитиб юбормаслиги ва аҳолининг табиий ўсишини камайтириш борасидаги ўз муваффақиятсизликларини яшириш учун шундай маълумотлар беради, деб ҳисоблайдилар. Бироқ, расмий маълумотларни ҳисобга олган ҳолда ҳам, Хитойда хитойликларнинг сони бутун жаҳонда негроид irqига оид аҳолидан; Европа, Россия ва АҚШ даги европаликлардан кўпроқдир.

Бу кўп сонли аҳоли атроф — муҳитга жуда улкан таъсир қилади: ахир ҳар бир инсон ейиши, кийиши, таълим олиши ва меҳнат қилиши зарур. Иқтисодиёт кўламлари бўйича Хитой АҚШдан сўнг иккинчи ўринда туришига қарамай, янги миллий даромад борасида (бир кишига ўтача даромад ҳисобида) ҳали ҳам ривожланаётган мамлакатлар қаторида қолаёпти.

Хитой аҳолисининг сони шунчалик кўпки, дунё унга бошқа давлатларга қарагандай муносабатда бўла олмайди. Хитойни озиқа билан таъминлаш муаммоси кундан — кунга кескинлашмоқда. Бугунги Хитой аҳолисининг кўпайиши — бу Пекиннинг ички иқтисодий инқирозини сусайтириш мақсадида инвестициялар олиш учун бошқа ривожланаётган мамлакатларга қилаётган босимидир. Бу ҳол, шунингдек, Пекинни Ғарбнинг эҳтимолидан ҳоли бўлмаган шубҳали ҳаракатларига қаршиликдир ҳам: қанча хитойлик кўп бўлса, шунча Хитойни "портламоқчи" бўлганлар камаяди.

1970 йилларнинг биринчи ярмида, Мао Цзэдуннинг муаллифлигидаги "Одамлар тўлқинлари" концепцияси натижасида аҳоли сони кескин кўпайиши туфайли, ХХР нинг демографик ривожланишини қайта кўриб чиқиш ҳақида жиддий қарашлар бошланди. 10 йилнинг ичида (1964—1974) Хитойда аҳоли сони 700 млн.дан 900 млн.гача кўпайди. Бироқ расмий сиёсат доирасида туғилишни назорат қилиш фақатгина 70

йилларнинг охирида бошланди. Ана шу даврда агар Хитойда аҳоли сони ўсишини тартибга солмаса мамлакатнинг тақдири хавф остида қолиши маълум бўлди. (Хитойда бутун сайёрамиз аҳолисининг  $\frac{1}{5}$  қисми яшайди, хайдаладиган ерларнинг эса атиги 7 фоизи тўғри келади.) Бироқ, бундай вазиятда фақат буйруқбозлик ва таъқиқлашлар орқали таъсир кўрсатишнинг ўзи етмасди. Шу боис ҳам Хитойда тушунтириш ва зўрлаш усуллари билан баравар қўлланилмоқда — мамлакатда кеч никоҳга кириш ва кеч фарзанд кўриш, рағбатлантирилади. Хитойда “бир оила — бир фарзанд” тамойили тавсия этилган. Демографик сиёсатнинг мазкур асосий қоидаларига риоя этиш хитой фуқороларига қонун билан белгилаб қўйилган — ХХР конституциясининг 49 моддасида ҳар бир оила оилани режалаштириши зарур, деб таъкидланган.

Хитойда чеклаб қўйиш сиёсатининг натижалари яққол намоён бўлди. Хитой аҳолишунослик жамиятининг вице — президент сўзларига кўра, туғилишни режалаштириш сиёсати олиб борилаётган 20 йил давомида, Хитой раҳбарияти уч кўрсаткични: туғилиш, ўлим, аҳолининг ўсиш даражасини пасайтиришга муваффақ бўлди. Агар 1969 йили туғилишнинг коэффициенти ҳар 1000 кишига 34,1 ни ташкил қилган бўлса, ўттиз йил ўтгач — 16,0 га тушди. Ўша давр (20 йил) мобайнида аҳолининг табиий ўсиши деярли 6 мартага камайди. (1000 кишига 26,1 дан 4,5 кишига). Шундай қилиб Хитой кўшимча 300 млн. “оғиз” кулфатидан халос бўла олди.

Хитойда аҳоли ўсишини чеклаш муаммосини ҳал этилиши билан бошқа муаммо вужудга келмоқда. Ҳаётнинг ўртача давомийлигини узайтириш кўламида бола туғилишини камайтириш Хитойда аҳолини қариб бориш муаммосини юзага келтирмоқда. Мутахассисларнинг фикрига кўра, 2040 йилда қари ёндаги хитойликлар аҳолисининг  $\frac{1}{4}$  қисмини ташкил қилади. Қариялар салмоғи 20 ёшгача бўлган ёшларга нисбатан 2 — 3 марта кўп бўлади. Ҳар бир оила бир фарзанддан ташқари яна 4 нафар қарияни таъминлаши керак бўлади; бу эса, ўз навбатида, давлат бюджетини учун қўшимча харажатга (нафақага, ижтимоий муҳофазага, тиббий хизматга) олиб келади.

Хитой олдида турган яна бир демографик муаммо — бу бутун мамлакат бўйлаб шаҳарларда иш излаб юрган деҳқонлардаги туғилиш масаласи. Бундай, аниқ рўйхатга олишини иложи бўлмаган, мигрантлар сони 80 млн.дан ошиқ. Ҳар бирини қузатишни иложи йўқ, шунинг учун ҳам улар муҳитида аҳолини қайта барпо этишни режалаштириш деярли мумкин эмас. Статистик маълумотларга кўра, туғилишнинг

рекордли кўрсаткичлари мамлакатнинг чет вилоятларида кузатилмоқда; у ерларда эрта никоҳ қуриш ҳоллари жуда кўп учрайди, экспертларнинг маълумотларига кўра бу ҳолнинг сабаби, чет ҳудудларда аҳоли саводлилик даражасининг пастлигидир. Расмий маълумотларга кўра, ХХР да 15 ёшдан ошган саводсизларнинг сони 180 млн.ни ташкил этади, бу эса бутун аҳолининг 15,8 фоизидир. Шунинг учун Хитойда таълим муаммосини ҳам туғилишни чеклаш билан бир қаторда ҳал этиш лозим.

Хитой мутахассислари башоратига кўра, 2050 йили аҳолининг ўсиши нольга тушар экан. Айнан мазкур 100 йилликнинг ўрталарида Хитой дунёнинг ўртача ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилишни режалаштирган<sup>13</sup>.

Ғарбий, Шарқий Марказий Африкадаги қатор давлатлар, Шимолий Африкадаги Ғарбий Сахара, Судан, Жанубий Африкадаги Намибия, Свазиленд давлатлари, Шунингдек Ғарбий Марказий ва Жанубий Осиёдаги баъзи давлатлар (Саудия Арабистони, Қувайт, Эрон, Омон, Фаластин, Яман, Афғонистон, Бутан, Лаос)да ҳозирги даврда ҳам аҳолининг табиий ўсиши анча юқори даражада сақланиб келмоқда ва уларда ҳам аҳоли ортиқчалиги муаммоси қайд этлмоқда.

Аҳолининг бундай тез суръат билан ўсиши эса жиддий иқтисодий муаммоларни келтириб чиқарди. Табиийки, улардан дастлабкиси қайд этилганидек озиқ—овқат муаммоси саналади.

Маълумки, ривожланаётган давлатлар аҳолиси мустамлака даврдан бошлаб ўга қашшоқликда яшар ва 60—80 фоиз аҳоли очлик чегарасида ҳаёт кечириб, тўйиб овқат емас эди. Сабаблари: мустамлака шароити, фан—техниканинг ривожланмаганлиги, хўжаликнинг қолоқ аграр йўналишда, етарли тараққий этмаганлиги. Шунинг учун ҳам бу ҳудудларнинг хўжалик тармоқлари ривожланмай, иқтисодий имкониятлари ўзгармаган ҳолда аҳоли сонининг бирдан ортиб бориши озиқ—овқат муаммосини яна ҳам кучайтирди. 1961—1965 йилларда ҳар бир киши бошига озиқ—овқат маҳсулотларини етказиб бериш Осиё ва Африкада 4 фоизга, Латин Америкасида 6 фоизга камайган.

Аҳолининг тез ўсиши натижасида келиб чиққан навбатдаги муаммо — бу аҳолини иш билан таъминлаш муаммосидир. Аҳоли умумий миқдори билан бир қаторда меҳнат ёшидаги аҳоли ҳам кўпайиб борди. Мавжуд иш ўринлари эса ўсиб келаётган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлай олмади. Натижада, ишсизлар сони ҳам ортиб борди. Осиёдаги қатор

<sup>13</sup> Экономическая обозрение. Тошкент. 2001 г. № 1. стр. 57-59.



давлатларда мутлоқ ишсизлик даражаси 12 % га, тўлиқсиз ишга бандлилик 37 % га етди. Лотин Америкасидаги давлатларда эса меҳнатга лаёқатли аҳолининг 33—50 %ини ишсизлар ташкил этган.

Ишсизлик муаммосини ҳал этиш учун ривожланаётган давлатларда яна миллионлаб иш ўринлари тайёрлаш лозим бўлган. Бунинг учун аввало, фан ва техникани ривожлантириш асосида халқ хўжалик тармоқларини кенегайтириш лозим эди. Хўжалик тармоқларини янги технология асосида ривожлантириш эса яна бир муҳим муаммони — малакали мутахассислар тайёрлашни тақозо этарди.

1960—1970 йилларда ривожланаётган давлатларда мактаб ёшига етган болалар миқдори 1950 йилларга нисбатан деярли икки баробарга ошди. Демак, бу давлатларда бир томондан умуман таълим тизимини халқ хўжалиги ривожлаишининг янги шароитига мос равишда қайта қуриш муаммоси турса, иккинчи томондан мактаб ёшига етган миллионлаб болаларни янги ўқув жойлари, ўқув қуроллари билан таъминлаш муаммоси турарди.

Шундай қилиб, XX аср ўрталарида аҳолининг ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан тез суръат билан ўсиши туфайли талайгина иқтисодий муаммолар юзага келган ва бу муаммолар ҳозирга қадар давом этмоқда. Натижада, ривожланаётган давлатлар оилани режалаштиришга — туғилишни чеклашга қаратилган демографик сиёсат олиб боришга мажбур бўлдилар. Демографик сиёсат аҳоли ўртасида гурли сиёсий, ижтимоий, тиббий ва иқтисодий тадбирлар ўтказиш йўли билан амалга оширилмоқда.

Демографик қариш — аҳоли таркибида қариялар (65 ёш ва ундан юқори ёшдагилар) салмоғининг ошиб боришидир. Дунё давлатларида демографик қариш жараёнини баҳолаш мақсадида БМТ ташкилоти томонидан 3 босқичли мезон ишлаб чиқилган. Ана шу мезонга кўра биринчи босқичда, жами аҳоли таркибида 65 ёш ва ундан катта бўлган аҳоли салмоғи 4 фоиздан кам бўлади ва бундай ҳолатда аҳоли демографик нуқтаи назардан ёш аҳоли ҳисобланади. Иккинчи босқичда эса аҳоли таркибида қариялар салмоғи 4—7 фоизни ташкил этади ва аҳоли демографик қарин бўсағасида туради. Учинчи босқичда жами аҳолининг 7 ва ундан кўл қисми қариялар салмоғига тўғри келади ва аҳоли демографик қари аҳоли ҳисобланади.<sup>14</sup>

<sup>14</sup> Демографический энциклопедический словарь. М., 1985 стр. 117.

Демографик қариш, жуда узоқ вақт давомида аҳолининг такрор барло бўлишидаги ўзгаришлар туфайли содир бўлади. Демографик қариш икки турга бўлинади:

1) "Қуйидан қариш" — Бундай қариш туғилишнинг қисқариб бориши натижасида аҳоли таркибида болалар салмоғининг камайиб боришидир.

2) "Юқоридан қариш" — кекса ёшларда ўлимнинг камайиши, аҳоли умр кўриш муддатининг узайиши ҳисобига қариялар салмоғининг ошиб боришидир.<sup>15</sup>

Аҳолининг қариш жараёни XVIII асрда Францияда бошланиб, аста—секин ҳамма ривожланган мамлакатларга тарқалди. Бироқ — илгари ҳеч ҳам бутунчалик қариялар миқдори тез ўсиб бормаган. 2001 йилда қариялар сони Германия, Англия ва Францияда аҳолининг 16 %ни, Японияда — 17,9 %ни, АҚШда — 13,0 %ни, дунё бўйича эса 7 фоизни ташкил этмоқда.

Аҳоли қаришининг сабаблари юқорида қайд этилганидек туғилиш камайиши натижасида болалар ва ёшларнинг салмоғи камайиб бориши ва ҳаёт давомийлигининг узайишидир. XXI асрга келиб дунё бўйича демографик қариш жараёни рўй бермоқда. Чунки бутунги кунда (2002 й.) маълумотлар гувоҳлик беришича дунё аҳолисининг таркибида қариялар салмоғи 7 %ни ташкил этмоқда.

Демографик қариш жараёни бўйича Европа мамлакатлари дунёда биринчи ўринда туради. 2001 йилда Европа аҳолисининг 15,0 фоизини қариялар ташкил этган. Бу кўрсаткич Фарбий Европадаги Монако давлатида энг юқори бўлиб 23 %га тенг. Шунингдек Швеция, Бельгия, Испания, Греция, Италия давлатларида ҳам қариялар салмоғи юқори бўлиб 17—18 %ни ташкил этмоқда. Европадаги барча давлатларда демографик қариш жараёни кузатилмоқда. Демографик қариш бўйича Европадан кейин иккинчи ўринда Океания давлатлари туради. Ушбу давлатларда қариялар салмоғи ўртача 10 фоизни (2001 й.) ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич бўйича Австралия ва Янги Зеландия давлатлар етакчи бўлиб, уларда қариялар салмоғи 12% га етган.

Демографик қариш бўйича учунчи ўринда Америка қитъаси туради. Бу ҳудуд бўйича қариялар салмоғи 2001 йилда жами аҳолининг 8 фоизини ташкил этган. Бу кўрсаткич бўйича Канада, АҚШ давлатларида қариялар салмоғи 13 %га тенг. Кариб ҳудуди ва Жанубий Америкада, Антигуа ва Барбуда (8%), Антил ороллари (7%), Аруба (9%) Борбадос (9%) Кайманов ороллари

<sup>15</sup> Юқорида = айди этилган манба.

(7%), Куба (10%) Доминика (9%) Гваделупа (9%) Мартинина (10%), Пуэрто-Рико (10%), Аргентина (10%), Чили (7%), Уругвай (13%) каби давлатлар да демографик қариш кузатиламоқда. Осиёда эса Арманистон, Кипр, Греция, Исроил, Ливан, Қозогистон, Хитой, Корея, Япония, Тайвань давлатларида, Африканинг Яшил бурун, Сейшел ороллари, ҳамда Реюньон давлатлари демографик қариш босқичига қадам қўйдилар. Шундай қилиб, жаҳон аҳолисининг ярмидан кўпроғи демографик қариш муаммосини бошдан кечирмоқда. Лекин бу муаммо Европа давлатларида қатор социал – оқибатларни келтириб чиқариш даражасига етган.

Демографик қариш натижасида қариялар салмоғининг ортиб бориши маълум даражада аҳолининг иқтисодий фаоллигини пасайтиради; иқтисодиётда ёшлар салмоғи камаяди, нафақа ажратиш билан боғлиқ муаммолар кўпаяди; қарияларга давлат хизматларини кўплаб ташкил этилишини тақозо этади; қарияларга тиббий хизматни кўпайтириш соғлиқни сақлаш тизимига ўзгартиришлар киритилишини талаб этади. Ниҳоят ҳали ишлашни ҳоҳловчи “ёш қарияларни” иш билан таъминлаш ҳам ўзига ҳос муаммоларни келтириб чиқаради.

Аҳолининг қариши моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари тизимига ҳам таъсир кўрсатади – чунки қарияларнинг талабларига кўра товар ва хизмат кўрсатиш турларини ўзгартириш лозим бўлади. Баъзи технологик операцияларни бажариш, машина ва жихозларни қариялар талабига мослаштиришга тўғри келади. Улар талабларига транспорт воситалари ҳам жавоб бериши керак.

“Қариялар буми” аста – секин бутун дунёни қамраб олаётти ва бундан қатор муаммолар келиб чиқмоқда. Инсоният бу муаммоларнинг нақадар муҳимлигини тушуниб етиши лозим. Кўп давлатларда (биринчи навбатда Европа мамлакатларида) қарияларнинг ҳаётини яхшилаш борасида анча ишлар қилинмоқда. Бироқ демографик қариш билан боғлиқ барча муаммолар, мазкур жараёнга юз тутган ҳамма давлатларда ҳам давлат сиёсати даражасига кўтарилиши ва такомиллашуви лозим.

Савол ва топшириқлар.

1. “Аҳоли ортиқчалиги” ва унинг сабаблари оқибатларини баён этинг.
2. “Аҳоли ортиқчалиги” муаммоси кузатилаётган давлатларнинг географияси ва демографик вазиятни таҳлил этинг.
3. “Демографик қариш” ва унинг омиллари.
4. “Демографик қариш” географияси ва социал оқибатлари.

## Мавзу: IV Инсоният келажаги ва глобал муаммолар

### Режа:

1. Дунёнинг демографик башорати

2. Аҳоли кўпайиши билан боғлиқ глобал муаммолар.

Дунёнинг демографик башорати. Илмий манбаларда қайд этилишича сайёрамиз аҳолиси XXI аср давомида ҳам мунтазам ўсиб борар экан. Лекин дунё аҳолисининг ўсиш суръати XX асрга нисбатан анча паст даражада содир бўлиши кутилмоқда. Маълумки, XX асрда, дунёда асосан аҳолининг кенгайган такрор барпо бўлиши тури фаолият кўрсатган. Яъни туғилиш юқори даражада бўлиб ўлим эса аста секин камайиб борган. Бу ҳол 1960 – 1970 йилларда дунё аҳолиси жуда тез суръат билан ўсиб боришида “демографик портлаш” га олиб келган. XXI асрда эса аҳолининг такрор барпо бўлиши қисқарган турга ўтади. Ўлимнинг камайиб бориши давомида, туғилиш ҳам кескин камайиб кетади. Фарзандлар туғилиши тўла назорат этилади.

Дунёда аҳолисининг сони келажақда қанча бўлади? Бу ҳақда асосий маълумотлар БМТ, Халқаро тизимий таҳлил институти NASA(ИСА – институт прикладного системного анализа) ва дунё банки томонидан ишлаб чиқилган.

8-жадвал

### Дунё аҳолиси сонининг башорати \*

Йил	Аҳоли (млрд киши)		
	ИСА	БМТ	Дунё банки
2025	8,1 – 9,9	7,9 – 9,1	8,3
2100	9,1 – 16,1	9,0 – 19,2	11,7

\*Н.В.Алисов, Б.С.Хорев Экономическая и социальная география мира М., 2000 стр.130

Жадвалда келтирилган, учта нуфузли ташкилотларнинг башоратлари бўйича сайёрамизда аҳоли сони 2025 йилга бориб ўртача 8,5 миллиард атрофида 2100 йили эса 11,7 миллиард атрофида бўлар экан.

Дунё аҳолисининг башорати жуда кенг, атрофлича ретроспектив таҳлил асосида ишлаб чиқилган. 1950 йилдан бошлаб дунё ва унинг алоҳида ҳудудларининг демографик ҳолати илмий ўрганилган. Туғилиш ва ўлим жараёнлари, аҳолининг демографик майли ҳудудлар доирасида таҳлил этилган. Шунингдек ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий – иқтисодий ҳаётида кутилаётган ўзгаришлар ҳам аҳоли сонини башорат этишда асосий омиллар сифатида ўрганилган ва башоратда ҳисобга олинган.

Дунё аҳолисининг башоратида ҳудудий ҳусусиятлар мавжуд. Бу ҳусусиятлар бир ҳудуднинг демографик тарихига мавжуд демографик вазиятга ва ижтимоий – иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқдир.

Юқорида келтирилган башорат бўйича 2025 йилда дунё аҳолиси 8 миллиард 467 миллион кишини ташкил этади. Ана шу даврда дунё аҳолиси кўпайишининг фақат 5 % га яқини Шимолий ярим шарда жойлашган ривожланган давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Мазкур давлатларда аҳоли ўсиши туғилиш ҳисобига эмас, балки аҳоли ўлимининг камайиши ҳамда аҳоли умр кўриш муддатининг узайиши (ўртача 73 ёшдан 79 ёшгача) ҳисобига содир бўлади. Туғилиш жуда камайиб бориб ҳар бир аёлнинг фарзанд кўриш даври (15–49 ёш) да кўрган болалари ўртача 1,9 ни ташкил этади. Ғарбий Европада эса бу кўрсаткич 1,5, Шарқий Европада ҳам туғилиш ўз тарихидаги энг паст даражага тушади. Германия, Дания, Швеция, Австрия давлатларида кутилаётган депопуляция (аҳолининг камайиб кетиши) иммиграция ҳисобига бартараф эътилоши кутилмоқда.

1990 – 2025 йилларда дунё аҳолисининг ўсиб боришининг 95% и Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги ривожланаётган давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Лекин XXI асрнинг дастлабки чорагида ривожланаётган давлатларда аҳоли ўсишида жуда катта ҳудудий тафовутлар бўлиши кутилмоқда. Агар Латин Америкаси бўйича келажакда аҳоли сонининг ўртача йиллик ўсиб бориши 2,1 фоизни ташкил этса Уругвайда бу кўрсаткич 1 фоизни, Кариб денгизига – 1,45, Марказий Америкада – 2,3, Парагвайда 3 фоизни ташкил этади. Латин Америкаси аҳолиси 2001 – 2025 йилларда 525 миллион кишидан 760 миллион кишига етади.

Ана шундай жараёни Осиё ҳудудида ҳам кузатиш мумкин. Шарқий Осиё давлатларида келажакда аҳоли ҳар йили ўртача 1,3 фоиздан кўпайиб борса, жанубий – шарқий Осиёда аҳолининг йиллик ўсиши ўртача 1,9 фоизни, Жанубий Осиёда – 2,3, Ғарбий Осиёда эса 2,7 фоизни ташкил этади.

Африкада келажакда аҳолининг тез суръат билан ўсиб бориши кузатишмоқда. 1990 йилларда ҳам Африкада аҳоли сонининг ўсиши дунё бўйича энг юқори бўлиб, йиллик ўсиши ўртача 3 фоизни ташкил этган. Яқин келажакда Африка аҳолисининг кўпайиб бориши туғилишни нисбатан юқори даражада сақланиб туриши, ўлимнинг камайиши ва аҳоли умр кўриш муддатиининг узайиши ҳисобига олдинги суръатини деярли сақлаб туради. 2001 – 2025 йилларда Африка аҳолиси 818 миллиондан 1581 миллионга етиши кутилмоқда.

Европа ва Шимолий Америкада аҳолининг башорати ўзгачароқ аҳволдан дарак беради. Бу ҳудудлар аҳолисининг салмоғи келажақда дунё миқёсида пасайиб боради. 1990 йили дунё аҳолисининг 32,1 фоизини Европа ва Шимолий Америка аҳолиси ташкил этган бўлса 2025 йилга келиб бу кўрсаткич 15,8 фоизни ташкил этиши башорат қилинган.

Ҳиндистон аҳолисининг сони келажақда кўпайиб бориб Хитой аҳолиси билан тенглашади. Ҳиндистонда ўтказилган социологик тадқиқотлар, ҳамда аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, ҳозирги даврда ҳар бир ҳинд оиласига ўртача 3 тадан фарзанд туғри келмоқда. Ана шундай ҳолат келажақда ҳам давом этса 2050 йили Ҳиндистон аҳолиси 2,76 миллиардга етади ва дунёдаги аҳолиси энг зич жойлашган давлатга айланади.

Хитойда олиб борилаётган демографик сиёсат аҳоли кўпайиб боришини бошқариш мумкинлигидан гувоҳлик бермоқда. Ҳозирда Хитойда "битта оила – битта бола" сиёсати жорий этилган ана шу сиёсат амалий фаолият кўрсатиб борса Хитойда, XXI асрда аҳоли сони 1,4 миллиард атрофида сақланиб туради.

БМТ маълумотига қараганда ер шари аҳолиси XXI асрнинг биринчи ярмида ҳам мунтазам кўпайиб бориб, унинг миқдори 10 миллиарддан ортиқни ташкил этади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки келажақда аҳолини ўсиши ҳамма давлатларда ҳам бир текисда содир бўлмайди. Саноат юқори даражада ривожланган мамлакатларда туғилиш даражаси паст, аҳолининг ўртача умр кўриш даври юқори бўлади. Демографик баланс иммиграция ҳисобига таъминланади. Ушбу мамлакатларда меҳнат ресурсларига бўлган талаб, бошқа давлатлардан келган меҳнат ёшидаги аҳоли билан тўлдирилади.

2050 йилга келиб Италия, Япония ва Россия каби давлатлар аҳолисининг қисқариши кутилмоқда. Мали, Саудия Арабистони ва Нигерияда аҳоли 3 баробарга, Миср ва Кенияда 2 баробарга кўпаяди. Мутахассисларнинг ҳисоблашларига кўра ривожланган мамлакатлар аҳолиси 2050 йилга бориб бирмунча камаяди. Ушбу давлатлар аҳолиси ҳозирда 1,8 миллиардни ташкил этса, 2050 йили эса 1,2 миллиардни ташкил этади. Аҳолининг бундай камайиб бориши, ривожланган давлатларда, қатор муаммоларни келиб чиқишига олиб келади. Улардан асосийси миллий ва маданий кадриятларни сақлаб қолиш ва аҳоли "қарши" муаммосидир.

БМТ маълумотларига кўра 2050 йилда сайёраимиз аҳолисининг ҳар бешинчи одами 60 ёшдан катта бўлади. 85 ёшдан ошганларнинг сони эса 6 марта кўпаяди. Туғилиш

ниҳоятда паст бўлган Япония, Германия, Италия каби давлатларда аҳолининг 40 фоизини қариялар ташкил этиши башорат этилмоқда.

Умуман Европа мамлакатлари бугунги кунда "демографик ўтиш"<sup>16</sup> назарияси бўйича учинчи босқичда турибди. 2050 йил бориб ушбу давлатлар демографик "ўтиш"нинг сўнги – тўртинчи босқичига ўтадилар. Яъни туғилиш ва ўлим тенглашиб, аҳоли ўсиши деярли тўхтайтиди.

Маълумки дунё аҳолисининг асосий қисми ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Илмий башоратларнинг кўрсатишича ушбу давлатларда XXI асрнинг иккинчи ярмида аҳоли сони мунтазам кўпайиб боради. Ривожланаётган давлатлар аҳолиси XXI аср бошида 4,8 миллиардни ташкил этган бўлса бу кўрсаткич 2050 йилда 8,2 миллиардга етади.

#### Аҳоли кўпайиши билан боғлиқ глобал муаммолар

Сайёрамиз аҳолиси XXI асрнинг дастлабки йилларида 6 миллиарддан ошди. Илмий башоратларга қараганда дунё аҳолиси 2015 йилга қадар ҳар йили 86 миллион кишидан кўпайиб борар экан. Бу кўпми, ёки камми? Агар аҳоли ўсиб бориши ҳақидаги ушбу маълумотни курраи замин нуқтаи назаридан умуман қаралганда унча ташвишли эмас. Чунки, юқорида қайд этилганидек ҳозирги даврда (2001) дунё бўйича аҳоли зичлиги 1 кв. км.га ўртача 46 кишини ташкил этмоқда. Лекин ер куррасида шундай ҳудудлар боки, уларда 1 кв. км. да 500, 1000, 2000 ва ундан ортиқ кишилар истиқомат этмоқдалар. Шунингдек, аҳоли зичлиги 2–3 кишини ташкил этувчи ҳудудлар ҳам мавжуд.

Аҳолининг мунтазам кўпайиб бориши аҳолиси зич жойлашган ҳудудларда қатор муаммоларга сабаб бўлиши табиий албатта. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, аҳоли зич жойлашган, лекин, иқтисодий ривожланган ҳудудлар ҳам борки, аҳолининг кўпайиши билан боғлиқ муаммоларни ижобий бартараф этиб келинмоқда. Демак аҳолининг кўпайиб бориши билан боғлиқ муаммолар дунёдаги аҳолиси зич ва иқтисодий ривожланмаган ҳудудлар учун кескин вазиятларни келтириб чиқариши муқаррар экан.

Аҳоли ўсиб бориши ва унинг оқибатлари ҳақида илмий манбаларда турлича фикрлар мавжуд. Улардан асосийлари аҳоли кўпайиб бориши дунё табиий ресурсларига салбий таъсир этиши ва аҳолини озиқ – овқат билан таъминлаш мушкуллашиши ҳақида бўлиб, у XVIII асрдан – Г. Мальтус давридан – бошлаб мавжуддир. XX аср олимларининг ҳисоб – китобларига қараганда эса ер

<sup>16</sup>Демография в сослани. Тошкент 2001, 39-43 бетлар.

юзид ва океанларда мавжуд ресурслар билан 10 миллиардлаб аҳолини таъминлаш мумкин экан. Шундай бўлса—да, ер куррасида типмай ўсиб бораётган аҳолини озиқ—овқат билан таъминлаш баъзи ҳудудларда муаммо бўлиб келмоқда. Ҳозирги даврда БМТ маълумотларига қараганда, дунёда 1 миллиард аҳоли қашшоқликда яшайди, 500 миллион аҳоли қорни тўйиб овқат емайди, ҳар куни очликдан 35 минг киши вафот этмоқда.

Жанубий Осиё, Африка, ва Лотин Америкасида жойлашган 36 давлат ўз аҳолисини ресурслари билан таъминлай олмайди.

Дарҳақиқат, ер юзида ва океанларда аҳолини озиқ—овқат билан таъминлашга қодир ресурслар беҳисобдир. Лекин бу ресурслар инсон истиқомат этиб келаётган ҳудудлар бўйича бир текисда тақсимланмаган. Натижада, аҳолининг ўсиши юқори ва табиий ресурслари кам, дунёдаги мавжуд табиий ресурслардан фойдаланиш мушкул бўлган ҳудудларда қатор муаммолар келиб чиқмоқда. Бугунги кунда инсон ва унинг фаолияти билан боғлиқ энг ҳатарли муаммо ерни, сувни ва ўсимлик дунёсининг ифлосланишидир. Баъзи давлатларда аҳолига тоза ичимлик суви сотилади. Масалан, Мальтада тоза ичимлик суви маҳаллий винодан ҳам қиммат туради. Аҳоли жуда тез ўсиб бораётган, лекин озиқ—овқат муаммолари мавжуд Африка каби ҳудудларда инсоният учун ҳавфли СПИД ва бошқа юқумли касалликларнинг тарқалиши, аҳоли зич ҳудудларда тупроқ хосилдорлигининг камайиб бориши, табиий ўрмонлар майдонининг қисқариб кетиши, энергия танқислиги, ҳаво, тупроқ, сувнинг ифлосланиши натижасида озон тешигининг хосил бўлиши ва аҳолининг касалланиши даражаси ошиб, инсон иммунитетининг кучсизланиб бориши юқорида қайд этилган муаммолардандир.

Юқорида келтирилган маълумотлардан асосийси аҳолини озиқ—овқат билан таъминлашдир. Дунё аҳолисининг ўсиб бориши ва уларни озиқ—овқат билан таъминлаш борасида мутахассилар томонидан турли фикрлар билдирилган. Уларнинг маълум гуруҳи агар, дунё аҳолиси ХХ асрдагидек, юқори суръат билан кўпайиб борса уларни озиқ—овқат билан таъминлаш мушкул аҳволда қолади, деган фикр билдирмоқдалар. Яна бир гуруҳ мутахассис олимлар эса, ер куррасидаги мавжуд табиий ресурслар билан миллиардлаб аҳолини боқиш мумкин деган, хулосага келишган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоғи қошидаги Умумжаҳон Қишлоқ Хўжалиги ва озиқ—овқат таъминоти ташкилоти томонидан олиб борилган тадқиқот натижалари кўрсатишича, агар дунёдаги барча мамлакатлар қишлоқ—хўжалиги махсулотларини етиштиришда замонавий, тараққий этган услублардан тўғри фойдаланса ҳосилдорлик янада ошиб,



озиқ овқат билан нафақат ҳозирги ер — шари аҳолисини, балки ундан икки марта кўп аҳолини таъминлаши мумкин экан. Америкалик мутахассис Ревел эса, агар қишлоқ хўжалигига яроқли барча ерларга керакли ишлов берилса, зарур бўлганда тартиб билан сугорилса ердан жуда юқори ҳосил олинishi ва бу ҳосил билан 100 миллиард одамни боқishi мумкин, деган фикрни келтиради. Агробиологик олимлар маълумотлари бўйича, қишлоқ хўжалигига яроқли ерларни, иқлим, қуёш нурини ҳисобга олган ҳолда, атроф муҳитни захарланмайдиган ўғитлардан фойдаланиб, ишлов берилса, тахминан 80 миллиард одамни озиқ — овқат билан таъминлаш мумкин экан. Лекин дунёдаги барча аҳоли ҳам қишлоқ — хўжалигига яроқли, ҳосилдор ерларда яшамайдилар. Дунё аҳолисининг 1 миллиарддан ортиқроғи қишлоқ хўжалик имкониятлари паст ерларда истиқомат этишади. Бундай ерлар Жанубий — Ғарбий Осиё ерларини 75% ини; Африканинг 47% ерини; Жануби — Шарқий Осиёнинг 35 % ини ва Марказий Осиёнинг 35 % ер майдонларини эгаллайди. Ана шундай номувофиқликлар дунёдаги маълум давлатларда озиқ — овқат билан боғлиқ иқтисодий муаммоларни келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Умуман олганда дунёда мавжуд табиий ресурслар бутун сайёра аҳолисини озиқ — овқат билан таъминлашга қодир. Фақат ҳар бир давлат ўзида мавжуд табиий имкониятлардан фойдаланиб, биринчи навбатда қишлоқ хўжалигини ривожлантириши, ерлардан унумли фойдаланиши зарур. Дунё миқёсида озиқ — овқат етиштириши, бутун аҳоли эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, илмий асосда ташкил этиш, махсус ташкилотлар орқали бошқариб борилиши лозим.

Аҳолини озиқ — овқат билан таъминлаш муаммоларини ижобий ҳал этилиши биринчи навбатда моддий ишлаб чиқаришни ривожлантиришни тақозо этади. Бу эса ўз навбатида энергия ресурси билан чамбарчас боғлиқдир. Энергетика ишлаб чиқариш кучлари ривожланишини ва курраи заминда инсониятнинг ўзини мавжудлигини таъминловчи асосий омил ҳисобланади. Махсус ҳисоб — китобларга қараганда одамзод 1 йилда 9 миллиард тонна ёқилғи ишлатар экан (нефт эквиваленти билан ҳисоблаганда)<sup>17</sup>.

Жамият тараққиётини таъминловчи саноат, қишлоқ хўжалиги ва транспорт каби соҳаларнинг фиолнати ҳам бевосита энергияга боғлиқдир. Умуман, инсоният тақдирида энергия ҳамиша энг асосий ўринни эгаллаб келган. Инсоннинг ўтмиши,

<sup>17</sup> Н.В. Алисов, Б.С.Хорев *экономическая, социальная география мира* (М., 2002, с-92).

бугуни ва келажги энергия манбалари билан чамбарчас боғлиқдир.

Ер қуррасида энергия берувчи табиий манбалар мавжуд бўлиб, уларга нефть, табиий газ, сув кўмири ва қуёш энергияларини киритиш мумкин. Шунингдек инсон фаолияти билан боғлиқ қатор водород ва бошқа энергия турлари ҳам мавжуддир. Лекин сайёрамиз аҳолисининг ёнидаги энергиясига бўлган эҳтиёжини қондиришда 40 % нефтдан, 31 % кўмрдан ва 23 % табиий газ захираларидан фойдаланилар экан. Маълумки маъмур захираларнинг аксарияти тоғ ва тоғ олди ҳудудларида жойлашгандир. Айниқса энергетика соҳасининг ривожланишида асосий манбаларида бўлган тошкўмири ва қўнғир кўмири захиралари бўйича тоғлар асосий маскан ҳисобланадилар. Бундай тоғлар жумласига Шимолий Америкадаги Кордильера, Европадаги Скандинавия, Пиреней, Корпат, Альп, Урал, Осиё қитъасидаги Тибет, Тяньшань, Памир каби тоғлари ва тоғ олди минтақаларини киритиш мумкин. Бу улғувор тоғлар жуда қадим замонлардан бери табиий ресурслари билан инсоният мушкулани осон қилиб келмоқда. XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб энергия манбаси бўлган кўмири саноати мустақил тармоқ сифатида ривожлана бошлади. XIX асрнинг бошида дунё бўйича 12 миллион тонна кўмири қазиб олинган бўлса, XIX асрнинг 60 йилларида бу кўрсаткич 1970 миллион тоннага етди. Хозирги даврда (1995–2000 йиллар) тоғ ва тоғ олди минтақаларидаги мавжуд захиралардан қўнғир кўмири қазиб олиш бўйича Германия, Россия, АҚШ, Хитой, Польша, Чехия, Греция, Турция, Австралия ва Югославия давлатлари дунё бўйича етакчилик қилмоқдалар. Тошкўмири қазиб олиш ва экспорт қилиш бўйича эса дунёда Осиё, Шимолий Америка, Ғарбий Европа, Австралия ва Океания давлатлари етакчидир.

Ўзбекистон тоғларида ва тоғ олди минтақаларида ҳам кўмири захиралари мавжуд бўлиб, аҳолини, ишлаб чиқаришни энергияга бўлган эҳтиёжини маълум қисмини таъминлаб келган. 1940 йилда Охангарон водийсида Ўзбекистонда йирик кўмири кони ташкил топди ва кўмири саноатига асос солинди. Иккинчи жаҳон уруши даврида немис – фашист қўшинлари вақтинча Донбасс ва Москва атрофидаги кўмири конларини босиб олган пайтда Ангрен кўмири кони собиқ СССР ҳудудидаги мудофаа учун хизмат қилувчи заводларни ёқилғи билан таъминлашга катта ҳисса қўшди. Ангрен кўмири конининг геологик запаси 2 миллиард 32 миллион тонна бўлиб, Ўрта Осиёдаги кўмири конлар запасининг 60 фоизга яқинини ташкил этади. Ўзбекистон аҳолисининг иссиқлик энергиясига бўлган эҳтиёжини қондиришда 1958 йилда

Сурхондарё вилоятида ишга тушган Шарғун конининг ҳам аҳамияти каттадир.

Инсониятнинг ижтимоий – иқтисодий тараққиёти тарихи гувоҳлик беришича, ҳамма даврларда ҳам энергияга бўлган эҳтиёжини таъминлашда муаммолар бўлган. Мазкур муаммоларни ечилишида эса қадимий тоғлар ва тоғ олди минтақалари ресурсларидан фойдаланилган. Лекин инсониятнинг келажаги ҳам маълум маънода тоғлар билан боғлиқдир. Яқин келажақда ер қуррасида энергия ресурслари тугаб қоладими? Одамзод энергетика танқислигига юз тутадими? деган савол кўпчиликни ташвишга солмоқда. Бу жуда ўринли саволдир. Дарҳақиқат нефть, газ, кўмир захиралари ер шарида чексиз эмас. Чунки коинотда ер сайёрасининг ўзини ҳам маълум ўлчамга ўрни бор. Шундай бўлгач ердаги захиралар ҳам маълум ўлчамга эгадир. Илмий таҳлилларга кўра бугунги кунда ер шарида 140 миллиард тоннага яқин нефть захиралари аниқланган. Улардан асосийлари Яқин ва Ўрта Шарқ, Марказий ва Жанубий Осиё ҳудудларида жойлашгандир. Шунингдек дунёда газ захиралари ҳам жуда кўп бўлиб уларнинг умумий ҳажми 145 триллион м<sup>3</sup> га тенг. Бу захиралар Россияда, Яқин ва Ўрта Шарқ, Ғарбий Европа, Жанубий – Шарқий Осиё ва Африка ҳудудларида аниқлангандир.

Келажақда инсоният ҳаётидаги энергия муаммосини ҳал этишда дунёнинг тоғ ва тоғ олди минтақаларида аниқланган тошкўмир ва қўнғир кўмир захираларининг хиссаси ҳам каттадир. Ушбу захираларнинг умумий ҳажми 1543 миллиард тоннага тенг бўлиб, улар Ғарбий Европа (28,9), Шимолий америка (24%), Осиё (21%) ва Африка, Жанубий Америка, Австралияда (27%) жойлашгандир.

Ер шарида атом энергетикаси учун зарур бўлган уран, торий, захираларинг аҳамияти катта.

Шунингдек физиклар томонидан термоядер энергиясини олиш учун ҳам қатор назарий ва амалий аҳамиятта молик ишлар олиб борилмоқда.

Энергияни ривожлантиришдаги яна бир йўналиш – тўғри қуёш нурларидан фойдаланишдир. Дунёда қуёш энергиясидан унумли фойдаланиш борасида ҳам катта илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Сайёрамиз махсус мосламалар яратилган.

Сайёрамизда ер ости иссиқ сувлари ҳам мавжуд бўлиб, улардан энергия манбаи сифатида фойдаланилади. Ана шундай иссиқ сувлардан фойдаланиш Исландия, Италия ва Камчаткада йўлга қўйилган.

Ҳозирги даврда олимлар томонидан водороддан энергия манбаи сифатида фойдаланиш борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мутахассислар фикрича яқин 200 йил ичида инсониятга энергия танқислиги ҳавотирга солмас экан. Аксинча одамзод тараққиётида энергия ортиқчалиги муаммоси туғилиши эҳтимоли кутилмоқда.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Алисов Н.В., Хорев Б.С. Экономическая и социальная география мира М., 2000.
2. Апостолов Е., Мичков К. Урбанизация: тенденции и гигиениско-демографические проблемы М., Медицина, 1997.
3. Антонов А.И. Социология рождаемости. М., 1980.
4. Антонов А.И. Медков В.М. Социология семьи. М., 1998
5. Антонов А.И. “Сын или дочь - Вкн” Подрастающая поколения – М., 1981 стр. 62-75
6. Борисов В.А. Демография. Учебник для вузов М., 1999.
7. Бўриева М.Р. Оилани режалаштириш. Тошент, 1998 й.
8. Бўриева М.Р. Демография асослари Тошкент – 2001.
9. Вищневский А.Г. Демографическая революция М., 1976 г.
10. Вопросы демографии Киев 1967.
11. Демографическое развитие семьи М., 1979.
12. Демографический-энциклопедический словарь. М., 1985.
13. Демография семьи. Ташкент, 1980.
14. Демографическое поведение населения. Ташкент, 1987.
15. Ксилева Г.П. Нужно ли повышать рождаемость? М., 1979.
16. Лоппо Г.М. География городов М., 1997.
17. Наше будущее глазами демографии М., 1979.
18. Население и общество Информ. бюллетень. РАН. 2001. №56.
19. Проблемы демографии. Вопросы теории и практики М., 1971.
20. Рождемость: социологические и демографические аспекты. М., 1988.
21. Социально-экономическая география зарубежного мира М., 2001.
22. Теоретические проблемы демографии М., 1970.
23. Управления развитием населения. Ташкент. 1985.
24. Хотунцев А. Экология и экологическая безопасность М., 2002.
25. Экономическое обозрение. Ташкент. 2001 №1-2.

## Мундарижа

	Кириш -----	3
Мавзу I	Демографик вазият ва унинг ифодаланиши -----	6
Мавзу II	Дунёнинг демографик вазияти -----	15
Мавзу III	Ҳозирги замон демографик муаммолари -----	48
Мавзу IV	Инсоният келажаги ва глобал муаммолар -----	62
	Фойдаланилган адабиётлар -----	74



2

Босишга рухсат этилди 10.07.2004. Ҳажми 3,25 босма тябоқ.  
Бичими 60x84 1/16. Адади 150 нусха. Буюртма 238.  
М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети  
босмахонасида чоп этилди.